КУНДУЗ ЧИРОҚ ЁҚҚАНЛАР

Соҳиби бойлик инсонларнинг ўз маблағлари ҳисобига нашр эттираётган “асарлари” бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетаётгандай. Адабиётга мутлақо алоқаси бўлмаган бундай муаллифларни улуғ ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда: “у худди ювилер магазинига кириб қолган филга ўхшайди; у ёкқа айланса ҳам бир қимматбаҳо чиннини синдиради; бу ёкқа айланса ҳам!”

2 -бет

“БОР УМИДИМ ЕВРОПА СУДИДАН”

Сизларнинг гувоҳлигингизда Европа судига «Озодлик» радиоси томонидан етказилган маънавий ва моддий зарар сифатида 500 минг АҚШ доллари товон тўлаш ҳақида мурожаат қиламан. Агар радиостанция раҳбарияти мени даволаган врачларнинг ташхисига ишонмасалар, мен касб ногиронлиги фактини тасдиқлаш учун улар томонидан таклиф этилган комиссия ҳузурида текширувдан ўтишга розиман.

3 -бет

БИЛМАМ... АДАШДИММИ?..

Эндиги гап қанчалик оғир бўлмасин айтишга мажбурмиз. Китоб варақлаганда киши фикрларига аниқлик киритиш, янглиш гап айтиб қўйишдан қочишни ўйлайди. Айниқса, тарихий шахслар ва улар шахсига боғлиқ саналар аниқ бўлмоғи шарт. Иккинчидан, тарихий шахс авлодлари, қариндош-уруғлари борасида янглишиш, узрку, саводсизликка ўхшаб қолмаяптими?

4 -бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 14 (476) 2006-yil 12-aprel

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Огоҳлик

ЙЎЛДАГИ САБОҚ

Ҳаёт тасодифларга тўла. Яқинда қўқонлик бир ҳамкасбимизнинг тўйига бормоқчи бўлиб, киракаш машинага ўтиргандим. Йўлда жудаям қизиқ суҳбатга гувоҳ бўлишга тўғри келди.

Ўзини Шамсиддин деб таништирган ҳайдовчи табиатан очиқ кўнгил йигит экан. Гап орасида менинг журналист эканлигимни билиб қолгач, гапга тушди:

- Мана, сизлар кўп жойларда бўласизлар. Нега камчиликларни кўра билиб очиқ ёзмайсизлар?

- Сиз газета ўқиб турасизми? - сўрадим суҳбатдошимдан.

- Вақт қаёқда дейсиз. Ўқимасам ҳам биламан. Ҳаётимизда камчилик кўп. Журналистлар бефарқ.

- Масалан, қайси камчиликларни назарда тутяпсиз?

- Одамларнинг ойлиги рўзғорига етмайди. Қани, «Йўқ» деб кўрингчи...

Бу гап билан мени мот қилгандай ғолибона қараш қилди.

- Ойлик етмаса, мана, киракашлик қиляпсиз-ку, - дедим йигитга.

- Лекин ҳамманинг ҳам машинаси йўқ-да. Асли мен ҳунармандман, пойафзал тикаман. Лекин маҳсулотларимиз бозорда ўтмаяпти. Илғор технологияга ўтай десак, чет элга бориш керак. Хориждан дастгоҳ келтириш учун баъзи таъмагирларнинг нафсини қондириш зарур. Бунга менда имконият йўқ.

- Технология келтиришга уриниб кўрдингизми?

- Йўқ, ҳафсала қилганим йўқ.

- У ҳолда тўсиқлар ҳақидаги гапни қаердан олдингиз?

- Ўзим шундай ўйлайман.

Суҳбат шу ерга келганда бошқача тус олди. «Нексия»нинг орқа ўриндиғида шу пайтгача индамай келаётган аёл секин сўз бошлади.

- Укажон, яп-янги машинангиз бор экан. Кунда, кунора Тошкентга қатнасангиз. Шу йўлларни чиройли қуриб қўйган, ҳаммамизнинг тинчлигимизни сақлаб келаётган давлат олдида қарздорлигингизни ҳам биласизми? Уйда дам олган пайтлари телевизор кўрасизми? Дунёда нима гаплар бўлаётганидан хабарингиз борми? Қанча-қанча жойларда сув тошқини, табиий офат туфайли минг-минглаб бандалар бекафан, беқабр дунёдан ўтишяпти. Яна айрим давлатларда бузуқиларнинг фитнаси сабаб талотўплар рўй беряпти. Ўшалардан худо сақласин.

Гапга тушган аёл тўлиб турган экан, тўхтатишнинг иложи йўқ эди. Ора-чирада Шамсиддин «Йўқ, мени нотўғри тушунибсиз» деганда ҳам тўхташ бўлмади.

- Сиз олдин мени эшитинг. Бу йўллардан ғиз-ғиз ўтиб турган машиналар нима туфайли? Аввало, тинчлик туфайли. Лекин буни қадрлаш ҳаммада ҳам бор деёлмайман. Эсингиздами, 1999 йил 16 февралда Тошкентнинг тўрт жойида портлаш рўй берганди. Ўшанда маҳалламизда ёшгина жувон менга: «Дилором опа, юринг, портлаган жойларни томоша қилиб келамиз» деса бўладими?! Вой, томошага бало борми? Ўз юртига, туғилган жойига жони ачимаган одам мусулмон эмас. Кўзимизни каттароқ очайлик. Биргина Қирғизистонда рўй берган талотўп қанча халқнинг кўнглини алағда қилди. Агар Ўзбекистонда тинчлик бўлмаса, мен бугун Марғилонга тўйга бордармидим? Худога шукур қилайлик. Шукр қилганнинг пешонасини Оллоҳ силар экан.

Тўрт йил олдин ҳажга бориш насиб қилди. Бошқа давлатларнинг фуқаролари бу муборак сафарга ўз билганча, имкон топгунча боришди. Бизнинг давлатимиз шу даражада ғамхўрки, ўз фуқаросини қоғозга ўралган қанддай беозор олиб бориб-олиб келди. Ўша ерда бир ўзбек аёл билан гаплашдим. Ўзимизнинг миллатдан бўлса-да, Ўзбекистонни кўрмаган экан. «Ота юртимизда ҳаёт қанақа? Об-ҳавочи?» деб сўради. Борини гапириб бердим. Уларнинг қум барханлари қопланган кенгликларига қараб «Бизда тупроқ серҳосил», шаҳарларимиз дов-дарахтга, боққа бурканган. Ҳовлиларимизда райҳонлар гуллайди. Қир-адирлар ям-яшил. Меванинг ҳамма тури пишади» деганимда ҳалиги суҳбатдошим «Субҳон Оллоҳ, субҳон Оллоҳ, сиз менга жаннат - ҳақида гапиряпсиз» деди. Тўғри-да, Ўзбекистонимиз Оллоҳ назари тушган жой, унда туғилганимиз - бахтимиз, деган фикр кўнглимдан ўтди.

Шамсиддиннинг жим кетиб эшитишдан бошқа иложи қолмаганди.

- Бундан ўн беш-йигирма йил аввал неча ёшда бўлгансиз? У шаҳардан бу шаҳарга бориш қанча азоблигини билармидингиз? Соат 4-5дан кейин бошқа жойларга автобус қатнови тўхтатиларди. Энди кечасию-кундузи хоҳлаган манзилингизга етиб олиш мумкин. Машиналар кўпайганига яраша йўловчилар ҳам кам эмас. Ойлик кам дейсиз, даромад топишнинг не-не қонуний йўллари чиққанлигидан бехабармисиз? Ҳалиям маошим рўзғорга етмаяпти, деб нолиб ўтирганлар анча-мунча. Ие, бўшашиб ўтирган билан пул ўз-ўзидан келадими?! Ўрнингдан тур, атрофга қара. Яратганнинг ваъдаси бор: «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган. Норғулдай-норғулдай йигитлар куч-қувватини, ҳатто умрини беҳуда кетказаётганига қандай чидаш мумкин?! Замона қадрига етиш керак. Дангасалик, тайёрга айёрлик эски даврдан қолган иллат. Агар буни қайта-қайта гапираверсак, ёшларга таъсир қилади. Кўзлари очилади. Сиз тенги ўғлим янги иморат қурди. Адаси: «Болам уйнинг девори қўшниникидан сал баландроқ бўлибдими?» деб истиҳола қилганда, ўғлим нима деди денг. «Ада, телевизорда кўрмадингизми, Президентимиз халқ билан учрашганда «Энди шифти баланд, пишиқ ғиштли уйлар қуринглар» дедилар-ку». Шундан сўнг хўжайин ҳам «Майли, Юртбошининг гапи гап» деб розилик билдирди.

Мен шундай ҳушёр, давр талабларига мос онахон билан бирга кетаётганлигимдан хурсанд бўлдим. Қаранг, қанчалик самимий, ҳаётий гаплар. Баъзан мустақиллигимиз афзаллигини айрим воизликни касб қилиб олган зиёлиларимиз ҳам шунчалик далиллаб, тушунтириб беришолмайди.

Манзилга етгач, онахондан дуо сўрадим. Ҳожи она тиззасидан ўтирғизиб келаётган набирасига:

- Қани, Абдушукур, амакингга бир дуо қилчи, - деди.

Тахминан беш-олти ёшлардаги болакай «Кўтариб билагимни, айтаман тилагимни»... деган сўз билан эзгу дуо қилди. Қани энди, ҳар бир оилада одамлар шундай эзгу ният билан яшашса. Ватанимиз бундан-да гуллаб-яшнаган, ҳаётимиз гўзаллашган бўларди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ

Парламентда

ТИББИЁТДА НОДАВЛАТ СЕКТОР

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ЕвропЭйд дастурининг “Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш дастури” лойиҳаси ҳамкорлигида “Малакали тиббий фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш муаммолари” мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини яратиш, беморларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиббиёт соҳасида нодавлат секторни шакллантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида сўз борди.

Бугунги кунда Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимига тегишли ўнга яқин қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Беморлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Лиссабон декларацияси, Бутунжаҳон тиббиёт ассамблеясининг Бош Ассамблеяси томонидан ишлаб чиқилган Тиббиёт кодекси, Тиббиёт этикаси каби халқаро меъёрий ҳужжатларга тўла мос келади. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб тадбирда тиббиёт фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини, соғлиқни сақлаш тизими бошқаруви самарадорлигини ошириш ва тиббиёт фанининг амалиёт билан муштараклигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир сўнггида эса аҳолига ва ҳар бир кишига алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, беморлар ҳуқуқини риоя қилинишини таъминлаш, тиббиёт ходимлари касб малакаси даражасини оширишга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

МУХБИРИМИЗ

Ж.МИРЗО чизган



Эҳтиром

СОҲИБҚИРОН ЁДИ

Буюк бобокалонимиз таваллудига 670 йил тўлиши муносабати билан турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Жом суви бўйларида жойлашган қишлоқлардан юзлаб кишилар Амир Темур номли 22-мактаб ҳовлисига тўпландилар. Бу ерда қутлуғ сана муносабати билан илмий-амалий анжуман ва янги нашр этилган китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Қарийб 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқлар ўрни бир пайтлар улкан тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган. Бу жойлар Соҳибқирон таржимаи ҳолини ёзган муаррихлар китобларида қайта-қайта дарж этилган. Жомликлар бундай шарафни ўзлари учун орият билиб, ўша суронли йиллар шуҳратини қайтадан кашф этмоқдалар. Бугунги анжуман ана шундай руҳ билан суғорилган эди.

Тадбирлар турли йўналишларда бўлиб, спорт мусобақалари, маърузалар, саҳна кўринишларини одамлар ҳаяжон билан томоша қилдилар. Жумладан, қўшни 21-мактаб ўқувчилари адиб Ҳаким Сатторийнинг “Ҳазрат Соҳибқирон” эссе-романи тақдимотига бағишланган байрам томошасини намойиш этдилар. Унда муаллиф ҳам сўзга чиқиб, ўз тилакларини изҳор қилди, кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш институти ташкил этган анжуманда Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан ҳам вакиллар қатнашди.

Насиба ХОЛБОЗОРОВА

Аҳвол

“Бундан бир муддат аввал туман солиқ идорасига бордим. Чор-атроф баланд темир панжара билан ўраб олинган. Ичкарига кириш осон эмас. Эшик олдида назоратчилар туришибди. Бу ерга биринчи бор келган киши ўзини жуда ожиз, худдики бирор айб иш қилиб қўйган бечорадай ҳис этади. Ҳали ичкарига кириб улгурмаган ҳам эдимки, эшик “оғаси” у ёкқа ўт, бу ёкқа ўт, йўлни бўшатинглар!”, деб ҳаммани тўзғитиб юборди. Билсак, идора раҳбари ишга келаётган экан. Ёшгина йигит. Олдимиздан беписанд ўтиб кетди. На салом бор, на алик...

СОЛИҚ МЕНДАН ҚАРЗДОР БЎЛДИ

лекин уни икки йилдан бери ундиролмаётганим хусусида

Ўйлаб қолдим: солиқ идораси шунақа совуқ идора бўлиши керакми? Ахир, бу ерга асосан солиқ тўловчилар, яъниким, шу идоранинг қон-томирлари келишади-ку! Нега улар мижозларни очиқ чеҳра билан кутиб олишмайди?...”

Аҳмаджон Мелибоевнинг юқоридаги фикрларини ўқиб (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2005 йил, 18 февраль, 8-сон, 1-бет) дастлаб бир оз ажаблангандим. Ахир “давлат идораси шунақа бўлмай, яна қанақа бўлади?” дея ўйлагандим. Кейин ўйлаб қарасам, Аҳмаджон ака Мелибоев ҳақиқатан тўғри ёзган экан.

Дарҳақиқат, солиқчилар нега бунақа? Нима учун уларнинг олдига кириш осон эмас? Нега улар одамларни яхши кутиб олишмайди? Кўплари ёш-яланглар, ўзаро суҳбатлашиб, кулишиб ўтиришадию, олдиларига борсангиз, одам келдиям демайди. Нега улар ўзларини бундай тутишади?

Минг сўм қалам ҳақи (гонорар) ишласанг, шундан ҳам солиқ олишади. Тўламай кўрингчи! Нақ балоларга қолиб кетасиз. Шундай ундириб олишадики, қандай қилиб тўлаганингизни сезмай қоласиз. Бироқ, солиқчилар мижозлардан қарз бўлиб қолишса-чи? Ундан умид йўқ. Икки дунёда ҳам уни ундириб олиб бўлмайди. Мисол учун мен солиқчиларга (солиқчиларнинг ўз айблари билан) 6530 (олти минг беш юз ўттиз) сўм ортиқча тўлаганман. Шуни ундириш учун икки йилдан буён хунобман. Мирobод туман ДСИга борсам, туман халқ банкига боринг дейишади. Халқ банкига борсам, ДСИга боринг дейишади. Раҳбарларининг олдига киритишмайди. Икки идора орасида икки йилдан бери сарсон-саргардонман, копток бўлиб келаяпман. Шунча овора-ю сарсончилик, соғлиғимнинг йўқолганлиги, оёқдан қолганим, асабларим бузилгани қолди, холос. Икки марта ариза ёздим, бирида — Халқ банкида менинг номимга счёт-ҳисоб очиб шунга ўтказинглар дедим, бўлмади.

Иккинчисида “квартира”га ўтказинглар дедим. Натижа йўқ. Бу қанақаси? Балзак айтганидек: “Қонун майда пашшачалар илиниб, йириклари қутулиб кетадиган тўр бўлмаслиги керак”-да!

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Хабар

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вакили Зафар САИДОВ берган маълумотларига қараганда “Олтин қалам” халқаро танловига мамлакатимизнинг деярли барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон республикаси, шунингдек Россия Федерацияси (икки нафар) ва Қозоғистондан (2 нафар), 60 га яқин газета, 10 га яқин журнал, 16 та ТВ, 8 та радио вакилларидан жами 130 нафарга яқин журналист энг сара ижод намуналари билан қатнашмоқда. Энг сўнгги ишлар танлов шартига мувофиқ жорий йилнинг 10 апрелига қадар қабул қилинган.

Яқиндагина халқаро танловнинг ҳайъат таркиби тасдиқланди ва унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Айни пайтда танлов ҳайъати аъзолари танловга тақдим қилинган ижод намуналарига баҳо бериш билан шуғулланишяпти.

Танлов ҳайъати 11 кишидан иборат. Унга таниқли тележурналист Шерзод Қудратхўжаев раислик қилаяпти. Конрад Аденауэр фондини минтақа вакили, асл касби журналист бўлган Ханс Кайзер эса танлов ҳайъати раиси ўринбосари сифатида фаолият юритади. ТВ бўйича таниқли режисёр Маҳкам Маҳамедов, Ўрол Ўтаев, ЎзЭОАВА раиси ўринбосари Баҳодир Шаропов, радио бўйича “Ўзбекистон” телерадиоканали бош муҳаррири Анвар Абдувалиев, кекса радиожурналист Инэй Давшан, “Наврўз” радиоси продюссери Аъзам Ҳакимов, босма нашрлар бўйича “Труд” газетасининг Ўзбекистондаги мухбирлар шўъбаси бошлиғи Валерий Бирюков, “Ҳуррият” мустақил газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Исмат Худоёров, “Ааж” газетасининг (Ҳиндистон) Ўзбекистондаги махсус мухбири Алок Шекхар ҳакамлик қилишади.

МУХБИРИМИЗ

Муаммо

“СИНЧ УЙИМ — ТИНЧ УЙИМ”

ёхуд бугунги уй-жой ҳолатига бир назар

Ўтган асрнинг 60-80 йилларида гугурт қутига ўхшаган, бир-биридан сира фарқ қилмайдиган шўро архетектураси усулида кўп қаватли бинолар қурилди. Ҳақли равишда айтиш мумкинки, “Ҳар бир оилага аҳолида квартира” шиори остида бунёд этилган бинолар ўша давр талаби эди. Ҳозирги пайтга келиб таниқли меъмор, пофессор Тўлқиной Қодирова ўринли таъкидлаганидай, гумбазли бинолар қурилишига эътибор кучайди. Ҳар бир вилоят ва туман чегараларидаги гумбазли айвонлар, бозорлар архетектурасидаги гумбазлар, автобекатлар, ҳаттоки қабристонларга ҳам маҳобатли гумбаз айвонлар қуриш одат тусига кириб бормоқда. Гўёки бу билан мозийдан бизгача етиб келган меъморчиликдаги миллий анъаналаримизни тиклаётгандаймиз. Бироқ баъзи гумбазлар шу даражада дидсизлик билан бунёд этилганки, худди қозонни тўнтариб қўйгандек беўхшов. Ушбу ноxуш кўринишлар миллий меъморчилигимизни тиклаш борасида ҳали кўп изланишлар лозимлигини кўрсатади.

Маълумки, Ўзбекистон сейсмик фаол зонада жойлашган. Яъни сиз билан биз яшаб турган ҳудудларда кучли зилзила бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Афсуски ривожланган замонавий фан ва техника ҳам зилзиладан аввалроқ инсонларни хабардор қилишга қодир эмас.

Айтайлик, кўп қаватли уйнинг баъзи бир хоналарини бирлаштириб ўзингиз яшаётган квартирани таъмирдан чиқардингиз. Бироқ бу билан ўзингизни оилангизгагина эмас, балки ўша уйда яшаётган бошқаларни ҳам ҳаётига хавф солаётганингизни биласизми?

Ўзбошимчалик билан хоналар ўртасидаги деворларни олиб ташлаш конструкциядаги иморатнинг зилзилабардошлигига путур етказади.

Кунчиқар мамлакат ҳисобланган Японияда битказилган биноларни махсус электр приборлар ёрдамида зилзилабардошлик даражаси синовдан ўтказилар экан. Хўш, бизда бундай синовлар ўтказадиган мутасадди ташкилот борми?

Лойиҳа асосида қурилаётган иншоотларни маълум ер силкинишларга чидамлилиги мавжуд. Лекин шахсий тартибда тикланаётган турар-жойлар тўғрисида нима дейиш мумкин?

Одатда бино четларига, эшик ва дераза ўрнатиладиган жойларга пойдевордан бошлаб сейсмик устунлар ўрнатилади. Сейсмик белбоғлар мана шу темир — бетондан ясалган конструкцияларга пайвандлаб бириктирилади. Фақат шу тартибда қилинган сейсмик мосламаларгина лойиҳа талабларига жавоб беради. Шу ўринда табиий савол туғилади; баъзи қишлоқ жойларидаги шахсий тартибда қурилаётган сейсмик мосламаларсиз турар-жой бинолари неча балли ер қимирлашига дош бера олади?

Ҳажми оддий ғиштдан анчайин катта бўлган, цемент ва шағал қоришмасидан тайёрланган блок ғиштлар омборхона, автогараж, ҳовли деворлар қуриш учун мўлжалланган. Ҳозирда блок ғиштлардан шахсий тартибда турар-жой бинолари тиклаш ҳолларини кўриш мумкин. Бундай ғиштлардан урилган бино деворлари тез орада ёрилиб кетади.

Ота-боболаримиз оилада ўғил фарзанд туғилса, ҳовли четига терак экиб қўйишган экан. Янги туғилган гўдак улғайиб 20 ёшга киргунга қадар тераклар иморатбоп бўлиб ўсган. Савол туғилиши мумкин, нима учун айнан терак? Чунки терак ёғоч зарангга ўхшаб қаттиқ ва мустаҳкам, қуригандан кейин мих ҳам қоқиб бўлмайди.

Яқиндан бери кўплаб экилаётган “Калифорния” тераги қурилиш мақсадида қўлланилаяпти, Лекин бундай тераклар мўртлиги сабабли қурилишда ишлатишга яроқсиз. “Калифорния” теракларини қурилишда ишлатилганда икки-уч йил ичида қурт-қумурсқага ем бўлади. Энди бундай иморатларни зилзилабардошлиги тўғрисида нима дейиш мумкин?

Азалдан Фарғона водийсида синчли уйлар қурилган. Синчли уйлар ер силкинишига чидамли ҳисобланган. Кучли зилзилада гувала кесаклари синч орасидан чиқиб кетганда ҳам ёғочдан қилинган синчлар қилт этмай тураберган.

“Синч уйим — тинч уйим” дея бежиз айтилмаган. Кейинги пайтларда ёғоч тақчиллиги боис синчли уйлар қуриш бироз сусайгандай бўлиб қолган. Натижада хом ғиштдан ҳар ким қурби етганича иморат тиклаб олиш авжига чиқди. Ҳукуматимиз қарори билан маҳаллий ёғоч саноати ривожлантирилаётган ҳозирги даврда яна синчли уйлар қуриш пайти келмадимикан?

XXI аср — ахборот асри. Ойнаи-жаҳоннинг мурватини бурашимиз билан дунёнинг нариги томонида рўй бераётган табиий офатлардан бир зумда хабар топамиз. Яқинда бўлган Покистондаги зилзила туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил, деган мақолга амал қилган ҳолда фаолият юритсак фойдадан ҳоли бўлмасди.

Янги уйга пойдевор қўяётган ҳар қандай инсон, мендан кейин невара-чевараларим мана шу уйда униб ўссинлар дея яхши ният билан ишга киришади. Янги қад ростлаган бинолар 100-150 йил “умр кўрса” халқимиз ният қилган эзгу мақсадларга эришади. Гоҳида бўлса ҳам қишлоқ меҳнаткашлари томонидан узоқни кўзлаган хом ғиштдан қилинган турар-жой бинолари намгарчилик, шўрланиш оқибатида тез орада яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади. Аксинча, пишитилган ғиштлардан қилинган, ер силкинишларига чидамли, яшаш учун қулай бинолар келажак авлодларга узоқ йиллар хизмат қилиши аниқ.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари томонидан шахсий тартибда уй-жой қурувчилар учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилса. Мазкур амалий тавсиялар вилоят, туман қурилиш мутасаддилари орқали аҳолига етказилса. Шошма-шошарлик ва пала-партишлик билан уй-жой қурилишига чек қўйилса, кўчаларимиз ва маҳаллаларимиз кўркамлашиб янада чирой очарди.

Ватан ичра ватан бўлган турар жойларимизни мустаҳкамлилигига ўзимиз масъуллик ҳиссини унутмаслигимиз лозим.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
Пойтуғ шаҳри

Этика

Ўзбекистонда профессионал журналист энг аввало, жамият олдидаги ўз касб бурчини тўлиқ англаб етган ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қиладиган, жамиятнинг олдинга қараб фаол ҳаракатланишига халақит бераётган сабабларни очиб берадиган ва таҳлил қиладиган, ўзбек халқининг менталитети, тарихи ва анъаналарини ҳурматлайдиган ва ўрганадиган, умуминсоний қадриятларни, демократия ва тараққиётни ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳиссасини қўшадиган, ўз халқи орзу-умидлари билан яшайдиган инсондир.

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ АХЛОҚ-ОДОБ КОДЕКСИ

Журналист ўз вазифасини адо этишда қуйидагиларга амал қилиши шарт:

● объектив воқеликни ростакс эттириш орқали одамларнинг ҳаққоний ва рост ахборот олишини кафолатлаш;

● умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрлари, шунингдек, ўзаро муносабатлар мезонларига риоя этиши, гўзал инсоний фазилатларни намоён қилиши, инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурматлаши;

● инсон шаъни ва унинг шахсий ҳаёт кечиришга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунлар талабларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва унинг шаъни ҳақоратлар, ғийбатлар, уйдирма ва айбловлардан ҳимоялаш;

● оммавий ахборот воситаларидан жамият манфаатларига, шахс ҳуқуқи ва унинг қонуний манфаатларига зид равишда фойдаланиш, шунингдек, уруш, зулм ва зўравонлик, миллатлараро зиддиятлар, миллий, ижтимоий ва диний келишмовчиликларни тарғиб қилиш, порнографияни тарқатиш, жамоатчилик фикрини чалғитиш ва ошкораликни монополлаштиришда фойдаланишга йўл қўймаслигини ёдда тутиши;

● жамият манфаати йўлида хизмат қилиш ўша жамият ва фикрлар хилма-хиллигини акс эттириш асносида воқеа ва масалаларни ёритаётиб, жўн ва юзаки ёндашувларга йўл қўймасликни тақозо этишини тан олиши;

● тажовузкор урушлар, куролланиш пойгалари, зўравонлик, золимлик, нафрат ва камситишнинг ҳар қандай шаклларини тарғиб қилиш ёки оқлашдан тийилиши;

● ўзбек халқининг анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда ўз масъулиятини тушуниши.

Журналистнинг касб маҳорати қуйидагилардан иборат:

● касби билан боғлиқ барча ишларни виждонан, адолатли, ҳалоллик ва қатъият билан бажариш, мулоҳаза билан иш юритиш;

● ўз ўқувчиларида бошқа халқларнинг эҳтиёжларини жинси, ирқи, тили, миллий мансублиги, диний қарашлари ва ғоявий эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар, ҳисобга олиш ҳиссини уйғотиш орқали миллатлараро муносабатлар маданияти тарбиясига кўмаклашиш;

● айбини суд исботламагунча, ҳар бир одам айбсиз, деган қоидага амал қилиш;

● шахсий эҳтиросларга эмас, мутахассис мулоҳазаларига асосланган таҳлилий ахборотларни тарқатиш;

● ахборот манбаининг махфийлигини ҳимоялаш бўйича барча мажбуриятларни бажариш;

● ахборот мазмунига сиёсий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилувчиларга, шунингдек, хабар тўпловчи ёки тарқатувчи шахсларни қўрқитишга уринувчиларга қарши туриш;

● ўқувчилар билан очиқ мулоқотда бўлиш, жамоатчиликнинг ўз фаолиятига нисбатан одил талабларини тўғри қабул қилиш, танқидга жавоб бериш имкониятларини яратиш ҳамда мавжуд хатоларни тезлик билан тўғрилаш орқали одамларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

● маълумот олишда жисмоний ва юридик шахсларнинг рад этиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ахборот олишнинг қонун билан кафолатланган ҳолатлардан ташқари барча ҳолларда босим ўтказмаслик, товламачиликка йўл қўймаслик, одоб қоидаларига риоя қилиш;

● журналистлар ҳамкорлигининг мақсад ва манфаатлари муштараклигини ҳурмат қилиш, касбий бирдамликни жамиятдаги барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитининг муҳим омили сифатида баҳолаш;

● ҳокимиятга жамият ҳаётини бошқаришни амалга оширишга мўлжалланган муҳим ижтимоий институт сифатида ҳурмат кўрсатиш;

● ушбу касбнинг энг яхши вакилларидан ўрнак олиш;

● ахборот ва коммуникация соҳасидаги халқаро муносабатларни кенгайтиришга кўмаклашиш, тинчликни, халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

● барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқаролари манфаатлари устуворлигини тан олиш.

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАРТИЯСИ

Биз, Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари:

бош стратегик мақсадимиз фуқаролик жамиятини барпо этишда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг ролини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг маърифий бозорини ривожлантириш эканини эълон қилиб;

оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик турли қатламларини бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида бирлаштириш ва ахборот билан таъминлашдаги алоҳида вазифасини англаб;

касб бурчини бажариш натижаси нафақат мукаммал қонунчилик базасига, балки одамларнинг маънавий, жисмоний ва руҳий саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган журналистик материалларни оммавий тарқатишга йўл қўймайдиган профессионал ахлоқ-одоб меъёрларига ҳам боғлиқ эканини эътироф этиб,

умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда миллий маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш борасидаги масъулиятимизни тушуниб,

фикрлар хилма-хиллиги ва "тараққиёт учун ранг-баранглик" қоидасига амал қилиб;

касб фаолиятимизда қуйидаги қоида ва меъёрларга амал қилишни ўз зиммамизга оламиз:

● ОАВнинг жамият олдидаги мажбуриятидан бошқа ҳар қандай мажбурият унга бўлган ишончга путур етказишини тушуниш;

● жамият манфаати йўлидаги фаолият жамоатчилик фикри, маданиятлар ранг-баранглигини акс эттириш мажбуриятига эканини тан олиш;

● ўз фикр ва қарашларини эркин ифода этадиган шахс ёки ижтимоий гуруҳ, аввало, муносара маданияти қоидаларига амал қилиш, аниқ, асосланган мақсадларга эга бўлиши, бирон дастурий вазифани унинг оқибати учун жавобгарлик билан бирга зиммасига олиш кераклиги хусусидаги қоидага риоя этиш;

● фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги қонун талабларига, миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг маънавияти одоб-ахлоқига зид бўлмаслигини ёдда тутиш;

● жамоат ишларининг оммага ошкор бўлиши учун курашиш;

● ижтимоий манфаатлар ва умуминсоний қадриятларга риоя қилишда профессионал фаолиятнинг барча ҳолатларида етук фуқаролик хусусиятларини намоён қилиб, алоҳида шахс ҳуқуқларини тан олиш;

Ушбу Хартиянинг мақсадларида "жамият манфаатлари йўлида" деганда конституцион тузум асосларини ҳимоя қилиш зарурати, давлат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш, аҳоли хавфсизлиги ва ижтимоий саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятни бирон шахс ёки ташкилотнинг ҳаракатлари, ҳужжатлари ёки ахборотлари билан алданиб қолишдан огоҳлантириш тушунилади.

● юксак инсонийлик фазилатларни намоён этиб, шахс шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат билан қараш, умумқабул қилинган ахлоқ меъёрларини такомиллаштириш.

Аудитория:

● шикоятларни текшириш ва кечиктирмасдан йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш;

● одамларнинг ҳақиқатни билиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, воқеалар ҳақида далилларни мулоҳазалардан аниқ ажратган ҳолда уларга ўз вақтида холис ахборот бериш, ёлғон хабарлар тарқатиш ва ижтимоий ахамиятга эга маълумотларни яширишга йўл қўймаслик;

● одамларга ОАВда ўз нуқтаи назарини эркин ифода этишига, оммавий ахборот воситаларидан фойдалана олишига ёрдам бериш, фуқароларнинг ижтимоий фикрни вужудга келтиришда қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

● аудиториянинг маънавий-ахлоқий қадриятларини ҳурмат қилиш, ўз материалларида жиноят, зулм ва зўравонликни батафсил тасвирлашга, ахлоқсиз майлларга эрк беришга, шунингдек, инсоннинг миллий, диний, ирқий ёки маънавий туйғуларини ҳақоратлайдиган фикр ва мулоҳазаларга йўл қўймаслик;

● ўқувчилар билан очиқ мулоқотда бўлиш, жамоатчиликнинг ўз фаолиятига нисбатан адолатли эътирозларини тўғри қабул қилиб, тегишлидиган мақолаларида тан олиш, танқидга жавоб бериш имкониятларини яратиш, йўл қўйилган ҳар қандай хатони зудлик билан тузатиш, жамоатчилик фикрини ўзи хоҳлаган томонга бурмаслик, уни нотўғри ёки икки маъноли сарлавҳалар билан чалғитишга йўл қўймаслик орқали аудиториянинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

● у ёки бу иши суд орқали ҳал қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш.

Профессионал қоидалар:

● ўқувчи ҳукмига кимнингдир шахсий эҳтиросларига эмас, мутахассис мулоҳазаларига асосланган таҳлилий материаллар ҳавола қилиш;

● журналистика жанрларидан оқилона ва маҳорат билан фойдаланиш, далиллар ва воқеликни бузиб кўрсатувчи усуллардан қочиш;

● ахборот йиғишнинг махфий усулларидан фақатгина фавқулодда вазиятларда, яъни жамоатчилик осойишталиги ёки одамлар ҳаётига жиддий хавф юзага келганда ёхуд жамият учун алоҳида муҳим бўлган ишлар ва жиноятчиликнинг бошқа имконияти бўлмаганда аудиторияни хабардор этганда ҳолда фойдаланиш, маълумот олиш учун манбалар билан ишлашда маънавият ва ахлоқ меъёрларидан четга чиқмаган ҳолда қонунга мувофиқ ҳаракат қилиш;

Ушбу Хартиянинг мақсадларида ҳаддан зиёд шафқатсизлик ва зўравонликни тавсифлаш деганда одам ва ҳайвонларни ўлдириш, уларни жисмоний куч ишлатиб ҳўрлаш, шунингдек, жиноятлар, фалокатлар оқибати ва табиий офат эпизодларини сескантирадиган даражада батафсил тасвирлаш, жароҳатлар, мурдалар, мажруҳлик, хўрлаш ва калтаклаш излари тафсилотларини бериш тушунилади.

● материаллардан манфаатдор бўлган манбаларга ҳақ тўламаслик;

● агар махсус шартномада кўзда тутилмаган бўлса, воқеага бевосита ёки билвосита алоқадор бўлганлардан ҳеч қандай ҳолатда мукофот олмаслик, ОАВ мустақиллигига ишончсизлик туғдирадиган фаолият билан шуғулланмаслик;

● янгиликни "сотиб олиш"га ёки унинг мазмунига сиёсий таъсир кўрсатишга, шунингдек, ахборот йиғувчи ёки тарқатувчи шахсларни қўрқитишга ҳаракат қилувчилар билан алоқада бўлмаслик;

● ахборот мазмунини ташқи таъсир эмас, балки далил ва воқеалар асосида тайёрлаш;

● маълумот олишда жисмоний ва юридик шахсларнинг рад этиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ахборот олишнинг қонун билан кафолатланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда босим ўтказмаслик, товламачиликка йўл қўймаслик, одоб қоидаларига риоя қилиш;

● ўз мақолалари ҳаққоний бўлишига интилиш;

● журналист ўз эътиборига тушган одамни шахс сифатида ҳурмат қилиши;

● мақола ёзганда одамни камситадиган ҳар қандай эътиётсиз мулоҳаза, танбеҳ ва киноялардан, айниқса, унинг ирқи, миллати, дини, муайян жисмоний камчилиги ва касаллигини пеш қилиб изза-нафсига тегишдан, исм-шарифи, ташқи кўринишидан кулишдан, суд қароригача унга жиноятчи сифатида қарашдан тийилиш;

● бирор маълумотдан фойдаланаётганда унинг аниқлиги ва тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш, барча ахборотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлигини белгилашнинг юқори меъёрларига амал қилиш;

● болаларга тааллуқли масалалар тилга олинаётган мақола ва материалларга алоҳида эътибор қаратиш.

Таҳририят:

● ходимларни ноахлоқий ишларга бошлайдиган буйруқ ва ҳаракатлардан тийилади;

● ходимларнинг этикага тааллуқли эътирозларини диққат билан эшитади, бундай муҳокама ва мунозаралар айтилиши учун шароит яратади;

● муаллифлар билан ўзаро ҳурмат асосида муносабатлар ўрнатади, ҳамкорлик ихтиёрийлигига асосланиб, "ҳаммуаллифлик"дан қочади ҳамда сабр-қаноат билан ўзаро тушуниш ва иқлимга эришишга интилади;

● муаллифнинг ўзига хослигини қадрлайди, матндаги муаллиф услубини ҳам мулоҳаза, ҳам лексик-услубий жиҳатдан сақлаб қолишга ҳаракат қилади, "дидни тузатиш"га йўл қўймайди;

Мазкур Хартияда шахсий ҳаёт тушунчаси шахсий ва оилавий сирлар, шу жумладан, никоҳ ва ишқий муносабатлар, сексуал йўналиш, диний йўналишлар, дўстона алоқалар, вақтичоғлик усуллари, ёзишмалар, телефон орқали музокаралар, почта, телеграф, компьютер ёки бошқа алоқаларни англатади. Хусусий ҳудуд тушунчаси остида эса турар жой, уй қурилиши, жумладан томорқа қурилиш, меҳмонхона, пансионат, санаторий ва бошқаларнинг рақамларли, шифохона палаталари кўзда тутилади.

● материални жойлаштириш имкони бўлмаганда, муаллифнинг иззат-нафсига тегмай, уни хафа қилмай, рад этиш сабабларини далиллар билан асослаб тушунтиради;

● журналист касбининг обрўэътиборини йўқайди, журналист обрўсига зарар келтирадиган жиноий хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди;

● таҳририят жамоаси қабул қилган хизмат муносабатларига оид қоидаларни ҳурмат қилади, унда таҳририят жамоасининг яхши фаолият олиб боришига ёрдам берадиган тартиб ва ижодийташаббус, рақобат ва ўзаро тушуниш каби жиҳатлар уйғунлашишини тутувор йўналиш деб билади;

● таҳририят жамоасида ҳалол ва самимий муносабатларга, ўзаро тушуниш, ижодий қобилиятни ривожлантиришда бир-бирини қўллаб-қувватлашга, билим ва маҳорати оширишга асосланган муносиб маънавий муҳитни сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилади;

● агар топширилган вазифа журналистнинг шахсий эътиқод ва принципларига зид бўлса ва у топшириқни бажаришдан бош тортса, унинг асосли рад этиш ҳуқуқини ҳурмат қилади;

● журналистлар орасидаги коррупцияга қарши туради.

Ҳокимият:

● ҳокимиятга жамоатчилик организмини бошқаришга мўлжалланган муҳим ижтимоий институт сифатида ҳурмат кўрсатиш;

● бошқарув органлари ва халқ ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳокимият тузилмаларини ўз вазифаларини бажаришда ахборот билан таъминлашга ёрдам бериш;

● журналистикага ҳокимият тузилмалари фаолияти, шу жумладан, давлат органлари устидан жамиятнинг масъул назоратчиси сифатида қараб, унинг ҳокимиятдан мустақиллиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

● жамоатчиликнинг ҳокимият тузилмалари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини муҳофаза этиш;

● жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга ҳаракат қилиш билан жамоатчилик ва хусусий сектор раҳбар тузилмалари ўртасида ўз лавозимини суиистеъмол қилиш ҳолларини фош қилиш;

Сиёсатга даҳлдор шахслар ёки юқори лавозимдаги мансабдорлар ҳам ўз шахсий ҳаётини ҳимоя қилишда бошқалар билан тенг ҳуқуққа эга эканини тан олиш.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг 23-мартдаги конференциясида қабул қилинган.

"Hurriyat" — 10

ЗАРВАРАҚЛАРДАН

Қўчқор НОРҚОБИЛ

МЕН МУСТАҚИЛЛИКНИ ШУНДАЙ ТУШУНАМАН

Тил учида айтилган сўз — Ўликдир. Айниқса, Миллат келажак қисматига даҳлдор бўлса, у билан енгилелпи муносабатга киришиш ўта беъманиликдир. Ўзимиз ҳадқараган сўзни ҳар жойда, арзир-арзимас даврада ишлатавермаймиз-ку! Ҳаётда ҳам шундай. Хўш, унда? ...Бундай шароитда ҳам ёрқин ҳаёт ва бахтли турмушни бармоқ туриб Ватанни эъзозлаш мумкин бўлгани каби, Истиқлол сўзини бот-бот такрорлайвермасдан ҳам миллатга асл фарзанд эканлигимизни исботлаш мумкин.

1997 йил 6 август

Мусиқа

Жумадулла УСМОНОВ, олий тоифали ўқитувчи

"СКРИПКА"НИНГ ЎЗБЕКЧАСИ "ҒИЖЖАК" ЭМАС

Мусиқа соҳасидан йироқ одам, "Скрипка"нинг ўзбекчаси "ғижжак" деса чидаш мумкиндир, бироқ бу гапни мутахассис кишининг тилидан эшитсангиз... ҳай-ҳай, мусиқани шўри куриди, деяверинг! Хуш, унда "мутахассис" айни "Ғижжак дарслиги"ни ёзгани-чи?

1995 йили "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ғижжак дарслиги" ўқув қўлланмасида галати жумлалар учрайди...

27 август

Гурунг

Жаббор РАЗЗОҚОВ: "ГАЗЕТА — МАЪНАВИЙ НОНУШТА"

— Жаббор ака, Тошкентга келиб, муҳбирлик қила бошлаган пайтларингизда турар жой биносини суратга туширибсиз, тагсўз ўрнига "Живой дом" деб ёзиб қўйган экансиз, шундайми?

— (Сухбатдошимиз мириқиб кулди). Ангрендан эди ўша сурат. Янги турар жой биноси фойдаланишга топширилаётган экан. Ўшани туширгандим. "Жилой" ўрнига "Живой" деб ёзиб юборибман. Мактабда ўрисча ўқибмизми!..

24 сентябрь

Тил

Ҳамро бону МУСУРМОНОВА

"ГОВОРИТЕ ПО РУССКИ..."

Яқинда ишхонам юзасидан бир ташкилотга кўнғироқ қилишимга тўғри келди. Зарур пайтда телефон рақамлари топилмай қолса бўлдими. "09"дан сўраш мумкин-ку деган хаёл кўнглимга ёруғлик олиб кирди. Дарҳол "09"ни тердим.

— Слушаю Вас... — деган овоз эшитилди.

— Алло, Ассалому алайкум, менга... телефон рақами керак эди.

— Пожалуйста, говорите по русски...

Негадир қайсарлигим тутди, илтимосимни яна ўзбекчалаб такрорладим, сўзим ниҳоясида русча гапиролмайман, деб илова қилдим. Телефонда эса қисқа гудоклар эшитила бошлади. Негадир хўрлигим келди...

1 октябрь

Таҳлил

Б. ҚОДИРОВ

ИСЪТЕДОД — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Фикримизни таълим андозасидан бошлаганимиз бежиз эмас. Ҳозирги мактабларимизда гўёки фақат талимнинг ўзи стандартлаштирилиши керакдай. Вахоланки, ривожланган давлатларда стандарт қилиб бола олинади.

8 октябрь

Ситора тайёрлади

Жаҳонгир МИРЗО чизган

Тренинг

КОДЕКС ЯНГИЛАНАДИ

солиқ муаммоларини ёритиш бўйича танлов эълон қилинди

Ўтган ҳафта Тошкентда журналистлар учун солиқ ислоҳоти муаммоларини ОАВда ёритишга бағишланган тренинг бўлиб ўтди. БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 30дан ортиқ журналист иштирок этди. Тренинг доирасида солиқ ва солиққа тортиш соҳасига бағишланган энг яхши журналист материаллари учун танлов эълон қилинди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ), Савдо-саноат палатасининг малакали мутахассислари икки кун давомида мамлакатимизда ўтказилаётган солиқ ислоҳотининг моҳияти, солиққа тортишнинг халқаро тажрибаси, солиқ тизими бошқарувини такомиллаштириш, солиқ текширувлари жараёнини тартибга солиш ва бошқа масалалар ҳақида батафсил сўз юритишди. Улар журналистларга, шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси устида олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг маълумот беришди.

Сўзга чиққанларнинг уқтиришича, 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодекси шу куннинг талабига ва иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига тўлиқ жавоб бермайди. Ўтган давр мобайнида Солиқ кодексига 250 та ўзгартириш ва қўшимча киритилган. Шу билан бирга, солиққа тортишга оид яна 1300дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Натижада солиқ қонунчилиги ўзининг тарқибий бир бутунлиги ва шаффофлигини йўқотди. Шунингдек, солиқ тизими ўзининг рағбатлантирувчи вазифасини тўлақонли бажармай қолди, солиққа тортиш тартиби ўта мураккаблаштирилганлиги боис у тадбиркорлар учун қўшимча чиқимлар қилишга ва вақт сарфлашга сабабчи бўлди.

Юзага келган вазиятдан чиқиш ва самарали тизимни яратиш мақсадида 2005 йилнинг январь ойида Президентимиз янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлаш ҳақида фармойиш қабул қилган эди. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакат ҳукумати сўровига биноан ушбу масалада кўмаклашиш мақсадида иккита лойиҳани амалга ошириш таклифи билан чиқди. Улардан бири «Солиқ тизими ислоҳоти ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш», иккинчиси эса «Ўзбекистонда солиқ бошқаруви тизимини такомиллаштириш» лойиҳаларидир.

Солиқ тизимида тўпланиб қолган муаммоларни кенг жамоатчиликка етказиш ва уларни ечиш йўлларини аҳолининг турли қатлам вакиллари, яъни солиқ тўловчилар иштирокида муҳокама этиш мақсадида дастлаб журналистлар хабардорлигини ошириш лозимлиги кўзда тутиланиб қолди. Шу ҳақда сўз юритар экан, тренингнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ДСҚ раисининг биринчи ўринбосари Эркин Гадоев ва Молия вазирининг ўринбосари Сунатулло Бекенов тизимни ислоҳ этиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида, солиқ ва солиққа тортиш масалалари ҳақида аҳолига оммабоп тарзда тушунтириш ўта муҳимлигини уқтиришди.

Тренинг сўнгида журналистлар орасида энг яхши материал учун танлов эълон қилинди. Танлов икки йўналишда— янги таҳрирдаги Солиқ кодексига оид муаммоларни ёритганлик ҳамда солиқ тизими бошқарувини такомиллаштириш масалаларини ёритганлик учун ўтказилади. Танловда газета, радио, телевидение ва интернет-нашрлар ходимлари иштирок этишлари мумкин. Унга жорий йилнинг 15 апрелидан 25 ноябригача чоп этилган ёки эфирга узатилган материаллар қабул қилинади. Танловга декабр ойида якун ясалади. Ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда, ғолибларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Тадбир

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Вилоят матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида амалга оширилган ободонлаштириш ва қурилиш ишлари ва бу борада истиқболдаги режалар хусусида шаҳар ҳокимияти иштирокида матбуот конференцияси ўтказилди.

Маълумки, Самарқанд шаҳри кейинги 2 йил мобайнида таниб бўлмас даражада гўзал ва обод шаҳарга айланди. Айниқса, шаҳарнинг эски тор кўчалари кенгайтирилиб, аҳоли учун бир қатор қулайликлар туғдирилди. Агарда йўлингиз тушиб шаҳардаги тарихий ёдгорликлардан Шоҳи Зинда, Регистон мажмуаларида бўлсангиз, у ердаги ўзгаришлардан кўзингиз қувнайди. Шоҳи Зинда мақбараси обидалари олд қисмидан топилган қадимий ҳаммомнинг ўрни қайтадан тиклашди. Келажакда сайёҳларни от-араваларда олиб юриш таклиф этилиши кўзда тутилмоқда.

Матбуот конференциясини журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раиси Амрилло Аҳмедов олиб борди.

Самарқанд шаҳар ҳокими Сухроб Рафиқов амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтараркан, жумладан шундай деди: "Шаҳардаги давлат ва хусусий меҳмонхоналарнинг сони 44 тага яқин бўлиб, улар бир кеча кундузда қарийб 6 минг нафардан зиёд сайёҳга халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатиш имкониятига эга."

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тарихий обидаларни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Мансуров амалга оширилган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Нуриддин БОЛИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби

Киноя

КУНДУЗ ЧИРОҚ ЁҚҚАНЛАР

Соҳиби бойлик инсонларнинг ўз ҳаётлари ҳусобига нашр эттираётган "асарлари" бемаза қовунларнинг уруғидай қўпайиб кетаётган паллада. Адабиётга мутлақо алоқаси бўлмаган бундай маблағ қўйилган, қўғирчоқдай безатилган, усти ялтироқ ичи қалтироқ, мағзи пуч бундай муаллифлари улуғ ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда: "у худди ишонмаган ҳолда кириб қолган филга ўхшайди; у ёққа айланса ҳам бир жимматбаҳо чиннини синдиради; бу ёққа айланса ҳам!"

Кутубхоналарда муаллифнинг жимжимадор дастхати илиниб уйқуга кетиб қолганлигини сезмай қоласиз. Муаллифни қайси йил, қайси бир жойда, қайсидир бир ҳужайрада-ю, учрашиб ҳолнинг огайниси билан ҳолвабиётлар, анжуманлардан йўқотиладиган қанча-қанча маблағ, яна қанча одамларни меҳнатлари зое кетганига ачинасан киши.

Эҳ, бу китобларни бир ўқисангиз эди. Азбаройи зерикканингиздан кўзингиз юмилиб, ўша китоб билан ўйлашган учрашувлар, таниқлаштирилган иш билан безатилган одамга қўйиб бериш орқали фаолиятлари илашиб ўқишга ҳосил қилган бўлар эдингиз! Қўшилиб кетсангиз, ҳар биридан бир ҳовуч дурни қайтарилган кўплаб тўқима ҳикояларни учратасиз. Ўғлини тугилган куни учун муносиб совға қилиш мақсадида ўғлини зиёфат қилиш ҳам кифоя эмас. Ўқувчи кифоя учун зиёфат тайёрлашга ва китоблик орқали ҳаргиз ҳамиша ҳам адашиб бир юмуш учун юмшоқлик қилишмайди-ю, беҳуда олимлар энсаси қотмасдан иложи йўқ.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг таъкидлаганидай: "Ачинарлиси, бундай маҳаллий классикларнинг чучмал асарлари адабиёт деган сўз саҳьатининг юзига, андак бўлсада, соя ташламоқда; ўқувчи адабиёт деганлари олди-қочди воқеаларнинг тафсилотидан иборат эканда, деган нотўғри хулосага келмоқда."

Энди бу ажиб китобларнинг тақдимот маросимларини кўрсангиз. Хайбатилло Хайбатовичнинг (шартли равишда авторни шундай атадик) китоби қолиб ўзигини, қуйиниш бешикдаги кишиларга қараб нафисароси бўлган қадар мақтовларга кўмиб ташланади.

Тушунган бўлсангиз, бу каби тадбирлар тиригида ўзига ҳайкал қўйишга ўхшаб кетади.

Бекитиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрларини ёдга тушади: "Исрофгарлик сахийлик эмас... Ҳақ молини кийганнинг девона дерлар, ёруғ кунда мум шам ёққанни ақлдан озган дерлар. Фахрланиш учун бермоқ ўзини кўрсатишдир..."

Ушбу ўринда алломо бошимиздан ошириб бир сўз битмоқликка қалам ожиз.

А. ХАЛИМ

Дараклар

ХИТОЙДА ИККИ ФАЛОКАТ

Хитой шимолидаги Шаньси вилоятидаги касалхоналарининг бирида кучли портлаш содир бўлган, деб хабар тарқатди РИА "Новости" ахборот маҳкамаси Синьхуа агентлиги маълумотларига таяниб.

Касалхона ходимлари қанча одамнинг ҳалок бўлгани ва қанчаси харобалар тагида қолгани хусусида аниқ маълумот бера олишмаган. Нобуд бўлган ва ярадорларнинг асосий қисми касалхона ходимлари ва уларнинг яқинлари экани айтилади хабарларда. Иш бошлаган қутқарувчилар ҳам нобуд бўлганлар ва ярадорлар ҳақида аниқ маълумот айта олмасликларини билдиришган. Портлаш душанба куни кечқурун касалхона автомобиллари гаражи ёнида содир бўлган ва оқибатда икки қаватли бино ва унга ёндош бинолар вайрон бўлган. Шунингдек касалхона ишчи ва ходимлари яшайдиган беш қаватли ётоқхонага ҳам жиддий зарар етган. Ҳозир касалхона ҳудудида қутқарув ва тозалаш ишлари олиб бориляпти деб хабар беради, вилоят расмийларидан бири.

Сешанба куни эрталаб эса мамлакат жанубидаги Гуанчжоу вилояти ҳудудида икки поезд тўқнашиб кетиши оқибатида ярадорлар бор, деб хабар беради «Интерфакс».

Ҳокимият вакиллари қурбонлар йўқлиги, аммо бир қанча йўловчининг ярадор бўлганини айтишган. Уларга тез тиббий ёрдам кўрсатилган.

УКРАИНАДА САЙЛОВ "ПОЙГАСИ" НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Икки ҳафта мобайнида сайловчилар овозини санаб бўлган Украина Марказий сайлов комиссияси мамлакат парламенти – Верховна Радага 26 мартда бўлиб ўтган сайлов натижаларини эълон қилди.

Расмий маълумотларга қараганда В.Янукович раҳбарлигидаги "Партия регионов" сиёсий ҳаракати сайловчилар овозининг 32,14 фоизини олишга эришган. "Темир хоним" номини олган "зарғалдоқ инқилоб" етакчиларидан бири Юлия Тимошенко блоки - 22,29 фоиз овоз олган. Амалдаги президент В.Ющенконинг "Наша Украина" партиясига сайловчиларнинг - 13,95 фоизи қизиқиш билдирган. А.Морознинг Социалистик партиясини - 5,69 сайловчи қўллаб-қувватлаган. Бундан ташқари Украина компартиясини ҳам - 3,66 сайловчи "сийлаган".

МСК раиси Ярослав Давидович комиссияснинг якуний мажлисида "Пратия регионов"нинг парламентда – 186, Тимошенко блоки – 129, «Наша Украина» - 81, социалистлар - 33, коммунистлар - 21 ўрин эгаллаганини эълон қилди.

Сайлов натижалари расман эълон қилинганидан кейингина мамлакат қонунига кўра парламентда кўп овоз олган партия етакчи коалиция тузиш мумкин. Минтақалар партиясининг энг кўп овоз тўплаганига қарамай президент Ющенконинг топшириғи билан Тимошенко, "Наша Украина" ва А.Морознинг социалистик партияси ҳамкорликда "зарғалдоқ коалиция" тузиш мақсадида музокаралар олиб бораяпти, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси.

ПРОДИНИНГ "КЎЧАСИДА БАЙРАМ"

Италия депутатлар палатасига ўтган сайловда сўл қанот мухолифат ғалаба қозонган. Италия Ички ишлар вазирлигининг сешанба куни эрталаб тарқатган маълумотномасида бу ҳақда хабар берилади.

«Унионе» («Иттифоқ») мухолиф партияси етакчиси Романо Проди, Рим марказида тарафдорлари иштирокида ўтган митингда партиясининг ғалабага эришганини эълон қилди.

ИИВ маълумотларига кўра мухолифат кичкина фарқ билан сайловда ютиб чиққан. Мухолифат сайловчиларнинг 49,81 фоиз, ҳукуматнинг "Эркинликлар уйи" партияси 49,74 фоиз овозини олишга эришган. Италия сайлов қонунига мувофиқ депутатлар палатаси сайловида ғолиб чиққан партия палатадаги 54 фоиз ўринга даъвогарлик қилиши белгилаб қўйилган, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотларида.

Шунингдек, Проди Римдаги Авлиёлар майдонида ўтган митингда мухолифатнинг сенатда ҳам бир ўрин билан қўли баланд келганини билдирди.

«Новые известия» газетаси Берлускони сайлов арафасидаги мантиққа зид баёнотлари билан обрўйига путур етказиб қўйди деб ёзади. Масалан, солиқларни пасайтириш ва пенсияларни оширишга берилган ваъдалар кўпчиликнинг энсасини қотирган кўринади. Ваҳоланки бугун мамлакат иқтисодиёти энг оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Унинг Италия халқи бошига не кулфатларни солмаган миллатчи-диктатор Бенито Муссолинининг набирасини ўзига ўринбосар қилиб олиш истаги кўпгина сайловчиларнинг ҳушини бошидан учириб юборди, дейилади газетадаги мақолада.

Сўнгги маълумотларда мухолифатнинг хорижда яшайдиган италянлар ҳисобига кўпроқ овоз олгани айтилмоқда. Ўз навбатида Берлускони раҳбарлигидаги сиёсатчилар мағлубиятини тан олмаяпти. Улар бюллетенларни қайта санаб чиқишни талаб қилишларини билдирганлар. Ҳукумат вазирларининг баъзилари Продининг баёнотларини қаттиқ танқид қилмган. Уларга кўра Продининг элбурутдан ғалабаси ҳақидаги чиқишлари давлат тўнтаришининг бир кўриниши ва бу Италия Конституциясига мутлақо хилоф.

ТЕҲРОН ОЛИМЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Теҳрон Очиқ Ислом университети олимлари "Токамак" типидаги термоядро синтези технологиясига эришганларини эътироф этишмоқда. Бу ҳақда Эроннинг Mehr News ахборот маҳкамаси хабар беради.

Агентлик эътирофича Эрон "жаҳонда биринчи бўлиб мазкур технологияга эришган давлатдир". "Мазкур технологияни тараққий этган давлатлар 20 йил давомидагина яратишлари мумкин ва у турли мураккаб лойиҳаларни амалга оширишни енгиллаштиради" дея иқтибос келтирган Mehr ИТАР-ТАСС.

Ҳозирда Россия ва яна олти давлат ҳамкорликда Франциянинг Карадаш шаҳрида халқаро термоядро реактори қуриш ҳақида келишиб олишган. Мазкур лойиҳа асосини ҳам Россияда яратилган "Токамак" термоядро ускуналарида эришилган натижалар ташкил қилади.

Термоядро ректорида водород ядроси изотоплари синтези натижасида ҳосил бўладиган қувват ишлатилади. Бундай реакторда изотоплар тўлиқ ёниб битади ва натижада радиоактив чиқитлар чиқмайди, ҳисоб. Ихтирочилар бу йўл билан инсоният олдида катта муаммо бўлиб турган энергия тақчиллигига барҳам бериш мумкин деб ҳисоблашмоқда.

Маълумки, якшанба куни АҚШнинг нуфузли The Washington Post газетаси ва New Yorker журналлари Қўшма Штатларнинг Эронга бомба ҳужуми эҳтимоли ҳақида мақола эълон қилган эди. Оқ уй маъмурияти бунга нисбатан тезда ўзларининг муносабатларини билдирди. Жумладан президент Буш мақолада айтилган фикрларни "асоссиз уйдирма" деб баҳолаган. Душанба куни эса Эрон раҳбари Аҳмади Нажот эса Машҳадда "яқин кунларда Эрон халқи мамлакат ядро дастури бўйича хушхабар олади" ва "Эронликлар бу янгиликлардан ғурурланишлари мумкин" деган.

ПУГАЧЕВА ГАЛКИНГА ТУРМУШГА ЧИҚДИ...МИ?

Оқсуяк хонимлар-у, ҳозир "юлдуз"лар деб таърифлаш урф бўлган шахслар ҳақида миш-мишлар тарқалиши кейинги пайтларда одат тусига кираётган кўринади. Кечаги энг зўр шов-шув байроғи «Комсомольская правда» газетасига тегдиёв.

Газета эрга тегиб чарчамаган Россия эстрадасининг "онаси" Алла Пугачеванинг зулукдек шилимшиқ мухлислари хабарларига таяниб, хонимнинг невараси тенгги Максим Галкин билан турмуш қургани ҳақида хабар беради. Авваллроқ, Алла она Филлип Киркоров билан ажрашганидан сўнг, ҳозирда ошиғи олчи ва бозори чаққон ҳажв ижрочисининг Алла бувининг қўлини сўрагани ҳақида хабар тарқатилган эди. Нашр манбасининг айтишича ўшанда онахон розилик билдирган. Россия эстрадасида "ажралмас жуфтлик" номини олган "севишганлар" бундай хабарларни ҳозирга қадар уйдирма деб келаётган эди. Ҳатто тунгги гаштакларнинг бирида Аллахоним "Умримнинг қолганини ким билан ўтказишимни ҳам билмайман" деб, меҳр кўзлари билан Галкинга боққан экан, деб ёзади газета. Ниҳоят кўплар кутган воқеа содир бўлди, дейишмоқда Алла Борисовнанинг уйи олдида кечаю-кундуз "навбатчилик" қиладиган мухлислари. Уларнинг айтишича "ёшлар" Москва загсларининг бирида никоҳдан ўтган ва бу ҳақда уларнинг энг яқин кишиларигина билишади. Мазкур хабар қўшиқчининг хизматкорлари томонидан тарқатилган бўлиши мумкин деб тахмин қилади нашр. Шунингдек, Пугачёва ва Галкиннинг никоҳлари ўтган ҳафта охирида бўлиб ўтгани ва улар бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасликка келишиб олишганини ёзади «Комсомольская правда».

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА тайёрлади

Юбилей

ТЕМУРИЙЛАР

(Бошланиши ўтган сонларда)

«Бобурийнома» китобининг муаллифи, атоқли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг қайд этишига кўра, шу қирғинда Баҳодиршоҳ II нинг ўғли Қуёш Мирзо тасодифан омон қолади ва унинг авлодлари ҳамон барҳаёт яшаб келмоқда. Яна бошқа ишончли манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳиндистон, айниқса, Покистон давлати ҳудудларида Бобурийларнинг кўплаб авлоди ҳозир ҳам умргузаронлик қилади. Ҳатто Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто (унинг отаси Зулфиқор Бхутто ҳам узоқ йиллар Покистон ҳукуматини бошқарган) ҳам ўзини тўғридан-тўғри Бобурнинг авлоди, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Чингиз Айтматов ва Мухтор Шаханов ёзганлар. (Қаранг: "Чўққида қолган овчининг оҳизори". Тошкент. "Шарқ", 1998 йил. 311-312-бетлар).

4. ШОҲРУҲ

Соҳибқироннинг Тоғай Туркон оқадан туғилган фарзанди.

1377 йил, 20 август — 1447 йил, 12 март, Ҳирот.

Саroймулкхоним тарбиясида улғайган. Ҳарбий юришларда қатнашган. 20 ёшдан (1397) Хуросон ҳукмдори. 50 йил тахтни бошқарди. Шаҳоншоҳ, меценат. "Насабнома"ни туздирган. Унинг ҳукмдорлиги даврида Хуросон гуллаб-яшнаган, илм-фан ва санъат юксалган ўлкага айланди, боқий қадриятларнинг тамал тоши қўйилди.

Фарзандлари: 7 ўғил, 2 қиз(9/6).

Умри — 71 йил.

Маликалари:

Гавҳаршодбегим, Ғиёсиддин тархоннинг катта қизи. 1388 йилда уйланган. Давлатни идора қилишда фаол аралашган. 3 ўғилнинг онаси. 1457 йилда Абусаид (3.6.2)нинг фармони билан чопиб ўлдирилади.

Тўтибегим.

Мулкат оқабегим, Хизр ўғлоннинг қизи. Умаршайх (2) Мирзо вафоти (1394)дан сўнг Ш. никоҳига ўтган. 1 ўғил туққан. Кўплаб обидалар бино этган. 1440 йилда Кобулда вафот этган, Балхда дафн этилган.

(Жами 6 нафар)

Қизлари:

Марямсултон оқа — Муҳаммад Жаҳонгир (1.1.1)га турмушга чиққан. 1441 йил вафот этган.

Саодатсултон оқа

Қутлуғ Туркон оқа

Поядасултон оқа

Тоғай Туркон оқа

Қутлуғсултон оқа

Ўғиллари:

4.1. МУҲАММАД ТАРАҒАЙ (Улуғбек)

1394 йил, 22 март, Султония — 1449 йил, 25 октябр.

Отаси — Шоҳруҳ (4)

Онаси — Гавҳаршодбегим.

Сароймулкхоним ва машҳур олим шайх Ориф Озарий (5 ёшидан) тарбиясида улғайди. Ҳарбий юришларда, чунончи, Соҳибқироннинг Хитой сафарида бирга эди. 1409 —1449 йилларда Самарқанд ҳукмдори. Самарқандда обсерватория қурдирган, улкан кутубхонаси бўлган. "Зижи Кўрагоний" асарида 1018 осмон ёритқичлари ўрнини ўта аниқлик билан акс эттирган. Ўз даврининг Фанлар академиясига асос солган. Дунё масштабидаги энг буюк олимлардан бири. Темурийлар сулоласининг фахри.

Фарзандлари: 5 ўғил, 7 қиз(13/10).

Умри — 55 йил.

Маликалари:

Оқабегим — Муҳаммад Султон (1.1)нинг қизи (1395 йил — 1449 йиллар). 1404 йил уйланган. Ҳабибасултон исмли қиз (4.1.А) туққан

Оқсултонхоника — Маҳмудхоннинг қизи. Севимли малика эди, лекин талоқ қилади.

Ҳусннигорхоника — Халил Султон (3.3)нинг қизи.

Хуллас, ҳарамида 5 малика, 6 канизак бўлган(16).

Қизлари:

Ҳабибасултон

Ўтабегим (Оқабегим) — Абусаид (3.6.2)га турмушга чиққан

Робиясултонбегим — Абусаиднинг қистови билан Абулхайрхонга узатилган (1451). 2 ўғил кўрган: Кўчкинчихон, Суюнчихон. Марқади Туркистон шаҳрида, Аҳмад Яссавий мақбараси қаршисида, баланд гумбаз кўтарилган.

Яна бир қизини Абдулло Мирзо (4.2.3)га турмушга чиққани ҳақида маълумот бор)

Ўғиллари:

Ибодулло (4.1.1.) 1412 йил туғилиб, 1417 йил вафот этади.

Абдулло (4.1.2.) 1420 йил — 1433 йил. Абдураҳмон (4.1.3.) 1421 — 1432 йиллар яшаган.

4.1.4. АБДУЛЛАТИФ

1428 йил — 1450 йил, 9 май.

Отаси — Муҳаммад Тарағай (Улуғбек)

Онаси — Руқия хотун.

Ҳиротда бувиси Гавҳаршодбегим тарбиясида улғаяди. 1441 йилдан — Самарқандда. Истеъдодли, бироқ шуҳратпараст одам бўлган. Шоҳруҳ (4) вафотидан сўнг Ҳиротни эгаллайди. Балх ҳокими (1448). Отасига қарши жангда енгади, Улуғбекни Самарқандга киритмайдилар. Абдуллатиф шафқатсиз сиёсат олиб боради. Бобо Ҳусайн баҳодир камондан ўқ ўзиб, ҳалок қилади.

Фарзандлари — 5 ўғил.

Умри — 23 йил.

Ўғиллари:

Абдураззоқ (4.1.4.1). Аҳмад (4.1.4.2). Маҳмуд (4.1.4.3). Муҳаммад Жўқи (4.1.4.4). Муҳаммад Боқи (4.1.4.5)

Дастлабки 4 ака-ука Абусаид (3.6.2) қўлида ўлим топади.

4.1.5. АБДУЛАЗИЗ

1430 йил — 1449 йил.

Отаси — Муҳаммад Тарағай (Улуғбек)

Эркатой ва арзанда ўғил отаси Абдуллатиф (4.1.4)га қарши жангга кетганда Самарқандда аслзода гўзаллар билан ишратни авж олдиради, бу эса Улуғбекка қарши исёнга сабаб бўлади. А. Юнусхоннинг синглисига уйланган бўлиши мумкин.

Умри — 20 йил.

4.2. ИБРОҲИМ СУЛТОН

1394 йил, август — 1435 йил, май.

Отаси — Шоҳруҳ

Онаси — Тўтибегим

Туман оқабегим тарбиясида улғаяди. Хитой юуришида бобоси билан бирга эди. Балх ҳокими (1409). Ўқимишли киши бўлган. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"ни унинг саройида тугатган.

Фарзандлари — 3 ўғил(4/2).

Ўғиллари:

Султон Абу Исҳоқ (1419—1427), Исмоил (1423—1432) болалигида вафот этади.

Умри — 42 йил.

4.2.3. АБДУЛЛО

1433 йил — 1451 йил, Булунғур.

Отаси — Иброҳим Султон (4.2)

Онаси — Меҳрсултон хотун.

2 ёшидан отаси тахтида. Яхши муҳитда улғаяди. Улуғбек (4.1.) ўзига куёв қилади.

Абдуллатиф (4.1.4)дан сўнг Самарқанд ҳукмдори Султон Абусаид (3.6.2) ва Абулхайрхоннинг бирлашган қўшинлари билан жангда ҳалок бўлади.

Умри — 19 йил.

Ҳаким САТТОРИЙ тайёрлади.
(Давоми бор)

Нашр

АЛЛОМАЛАР ВАСФИ

Юртимиздан етишиб чиқиб, дунё илм-фани ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз меросини халқимизга етказиш, уларнинг ҳаётини халқона тилда ҳикоя қилиб бериш борасида кейинги йилларда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Яқинда "Шарқ" нашриётида чоп этилган йирик тарихчи олим Убайдулла Уватовнинг "Икки буюк донишманд" китоби Абу Исо ат-Термизий ва Ал-Ҳаким ат-Термизий фаолияти ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади. Бу бобокалонларимиз фиқҳшунослик ва калом илмида ўз давридаёқ шуҳрат қозонган, мероси бутун дунёда қизиқиш билан ўрганилаётган зотлардир. Афсуски, ҳозиргача биз фахрли аждодларимизни етарлича танимадик, уларнинг меросидан баҳра олмай келдик.

Муҳтарам олимимиз ишончли манбалар асосида алломалар ҳақида мухтасар маълумот беради, илмий меросларининг йўналиши ва руҳияти билан таништиради. Китоб салмоқли фактларга бойлиги, равон услуби ва маънавиятимиз алломаларига изҳор қилинган самимий ҳурмати билан муштарийлар бисотидан мустаҳкам ўрин олади, деган умиддамиз.

ЗЕБИНИСО

ЯНГИЛАНАЁТГАН АКАДЕМИЯ



"Агар отангдан сохта олтин қолган бўлса-ю, мен уни соф тиллога алмаштириб бераман десам, рози бўлмайсанми?!" Жалолиддин Румийнинг ҳикматомуз саволи. Буюк файласуф миллат анъаналарини ўз замонасидан келиб чиқиб қандай баҳолаши кераклиги ҳақида асрлар оша сабоқ бериб келади.

Бироқ отамиздан соф олтин қолган бўлса-чи?! Унда ҳам металга маҳлиё бўлиб ўтираверишн яхши эмас. Меросга ўз меҳнатини-да сингдириб — озроқ сайқал бериб, озроқ кўпайтириб кейинги авлодга узатиш лозим.

Ўтмишимиз шодасининг энг ёрқин гавҳарларидан бири — Хоразм Маъмун академиясидир. 10 аср илгари бу даргоҳ дунёни ўзига қаратган, жаҳон илм-фанининг ўчоғига айланиб қолган эди. Академияда ғарбчиларнинг таъбири билан айтганда, Шарқнинг Леонардо да Винчиси — Беруний (Аслида фақат даврийликни ҳисобга олган тақдирда ҳам Леонардо да Винчини Ғарбнинг Берунийси дейишимиз лозим), "мадади Сино" (медицина) асосчиси Абу Али ибн Сино, Абу Носр ибн Ироқ, ибн Мискавайҳ, Абу Саид Шабибий, Жавҳарий (Леонардо да Винчидан бир неча аср илгари қанот ясаб самога учган тадқиқотчи), Абу Саид Масиҳий каби етук олимлар ўз изланишларини олиб боришган. Айтиш мумкинки, Боғдоддаги "Байт ул-ҳикма", Хоразм Маъмун академияси антик дунё илм-фани ва Ғарб уйғониши даври орасида ўзига хос кўприк воситасини ўтади. Мазкур марказларда Қадимги Шарқ халқлари илм-фани ҳақида маълумотлар тўпланди, юнон алломаларининг асарлари таржима қилинди, шарҳланди. Бундан ташқари янгидан янги жаҳоншумул ихтиролар қилинди. Вақти келиб бу илмий мерос Европа олимлари олиб борган тадқиқотларнинг асосий манбаига айланди. Шарқда аллақачон маълум бўлган нарсаларнинг кейинчалик Ғарбда қайта кашф этиб қўйилишига асосий омиллардан бири ҳам шу.

Минг афсуски, катта илмий асосга эга бўлган Хоразм Маъмун академияси узоқ муддат яшаб қололмади. Туркнинг бир фарзанди қурган илм-фан ўчоғи тарқаб кетишига туркнинг бошқа бир фарзанди — Маҳмуд Ғазнавий сабабчи бўлди.

Мана, қарийб минг йилдан бери Хоразм Маъмун академияси барча туркий халқлар томонидан афсус-надомат аралаш ғурур билан эсга олинади. Бир неча асрки, нега ҳозир бизда Берунийлар, ибн Синолар... етишиб чиқмаяпти деган савол ўртага ташланади.

Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ана шундай саволларга жавоб тариқасида янгрягандек бўлди. Янги Хоразм академиясида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби бир қатор йўналишлар мавжуд. Уларда 2 фундаментал ва 8 амалий дастур бўйича 58 нафар ходим, жумладан, 2 академик, 8 фан доктори ва 24 фан номзоди илмий изланишлар олиб боришмоқда...

...Яқинда чоп этилган Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Маъмун академияси" китобида аждодларимизнинг ўлмас илмий мероси ва янгиланаётган академия ҳақида сўз юритилади. Рисола ўқувчиларга мунтазир.

Гулжаҳон НОМОЗОВА

Талабнома

"БОР УМИДИМ ЕВРОПА СУДИДАН"

www.press-uz.info мухбирининг хабар беришича, 2006 йил 11 апрель куни – Озод Европа/Озодлик Радиоси (РСЕ/РС, RFE/RL, Inc) Тошкент бюросининг сўнгги раҳбари Раҳматжон Қўлдошев «Озодлик» радиосига қарши даъво аризаси билан Европа судига мурожаат қилиши олдидан ОАВ вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказган. www.press-uz.info таҳририяти қўйида унинг маърузаси тўлиқ матнини тақдим этади:

Маълумки, жорий йил 9 февраль куни Ўзбекистондаги хорижий ОАВ мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказган эдим. Конференция жараёнида радиостанция маъмуриятининг меҳнат қонунчилигини бузиш борасидаги хатоларини очиб ташладим. Бундан ташқари «Озодлик» радиоси раҳбариятидан 20 минг доллар миқдорида маънавий ва моддий товон тўлашини талаб қилдим. Баёнотим «Фергана.Ру», «Арена» («Freeuz.org»), РИА «Новости» («Rian.ru») ва бошқа интернет сайтларида эълон қилинди. Шунга қарамай бугунга қадар радиостанция раҳбарияти томонидан ҳеч қандай жавоб берилмади.

Мен 1996 йилдан 2005 йилга қадар «Озодлик» радиоси Ўзбекистондаги мухбири сифатида ишладим. 2000 йилдан Ўзбекистон Республикаси ТИВ ҳузурида аккредитациядан ўтганман. 2003-2005 йй. «Озодлик»нинг Тошкент бюросига раҳбарлик қилдим.

Фаолиятим давомида журналистлик ва ташкилий-раҳбарлик ишларидан ташқари 15 дан ортиқ журналистлар томонидан Ўзбекистон бўйича тайёрланган радиоэшиттиришларнинг таҳрири ва тузатишлар билан шуғулландим. Шу сабаб фаолиятимнинг сўнгги йиллари "наушник"да ўтгани боис эшитиш органларимга жиддий зарар етди.

Бундан ташқари Ўзбекистон шароитида радиостанция қўяётган талабларга жавоб бериш мушкуллиги боис «Озодлик»даги хизматимнинг асосий қисми қўрқув, руҳий босим остида ўтди.

Жумладан, «Озодлик»нинг ўзбек хизматига А.Нажимова раҳбарлик қилган пайтларида унинг мантиқсиз буйруқлари журналистларнинг ҳаёти учун оғир бўлган шароитларда ишлашга мажбур қилди ҳамда Тошкент бюросида оғир вазият юзага келди. Бу ҳолатларга менинг раҳбарлигим остида ишлаган журналистлар гувоҳ бўла олади.

Бундай ҳолатлар радиостанциянинг Тошкент бюросига раҳбарлик қилган пайтимда мунтазам руҳий қийналишларимга сабаб бўлди. Негаки, мен ҳар бир журналист ва унинг оиласи хавфсизлиги учун масъул эдим.

2005 йил февралида қулоғимга оғирлик тушиши ва доимий руҳий азобланишлар туфайли қаттиқ оғриб қолдим, доимий бош оғриғи ва қулоғимдаги шовқиндан азоб чека бошладим. Оғриққа чидаш қийин эди. Баъзида ҳушимни йўқотдим, уйқусузликдан қийналдим, кўчаларда дайдиб юрдим.

2005 йил апрелида Прагадаги раҳбариятига берган ваъдасига кўра, А.Нажимова мени дўхтирларга кўрсатиш мақсадида Тошкентга учиб келди. Унинг биринчи таклифи шундай бўлди: "Биласиз, Раҳматжон, радио даволанишда сизга кўмак бериш аҳволида эмас, шунинг учун ишдан бўшанг", ҳолбуки, бу вақтда мен радиостанция маъмуриятидан ёрдам сўрамаган эдим.

Эътибор беринг, дунёда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларига ҳурматни тарғиб қилувчи радиостанциялардан бирининг раҳбари ҳали даволанишга ҳам улгурмаган касал ходимига ишдан бўшашни таклиф қиляпти.

Кейин маълум бўлишича, А.Нажимова ўша пайтдаги «Озодлик» радиоси президенти Т.Дайнга касаллигимни жиддий эмас, гўёки, унга ўзим ёрдам бераман, деб нотўғри ахборот тақдим этган.

Бунга қадар мен Ўзбекистондаги кўплаб касалхоналарда даволандим. Икки марта «MDS-Сервис»да тўла текширувдан ўтдим, икки ой профессор Ҳасановнинг шахсий клиникасида даволандим, ТашМИда операция қилиндим. Кўрилган чораларга қарамай менинг касаллигим барибир оғирлашаверди.

Ўша куни Прагадаги ўзбек хизматидан З.Эшонова телефон қилиб, "радиостанция врачи"нинг сўзларига кўра, менинг бу касаллик билан энди радиода ишлаш қобилиятига эга эмас эканимни билдирди. Бу пайтда уларнинг ҳатти-ҳаракатини тушунишга ожиз эдим.

2005 йилнинг июнида Москвага, навбатдаги операция учун тайёрландим. Кутилмаганда З.Эшонова телефон қилиб радио маъмурияти менинг Прагада даволанишимга розилик берганини айтди. Мен унинг гапларига ишондим ва Прага сафарига тайёрлана бошладим. Касаллигим эса кундан-кун оғирлашарди. Уч ой ўтиб Прагадан даволанишим рад этилганини маълум қилинди. Бундан ташқари маълум бўлдики, икки ой ичида даволанмасам мени ишдан ҳайдашармиш. Ҳатто моддий ёрдам беришни ҳам исташмади. Бу жуда ёқимсиз ва тушунарсиз ҳолат эди.

2005 йил 20 августда мен Москвага жўнадим. Афсуски, Москва 4-шаҳар касалхонаси касаллигимнинг жиддийлиги сабабли операция қилишни рад этди. Шундан кейин Москвадаги Бурденко номли илмий текшириш институтига мурожаат қилдим ва сентябр ойида икки марта операция қилиндим.

Москвада даволанаётган пайтим 2005 йилнинг 20 октябрида «Озодлик» радиоси ўзбек хизмати директори С.Жахфарова менга расмий ҳужжат жўнатиб, Тошкент бюроси директорлигидан озод қилинганимни ва стрингерликка ўтказилганимни маълум қилди. Ҳайрон қоладиган жойи шунда эдики, ҳужжатда менинг ўз хоҳишим билан вазифамдан озод қилинганим кўрсатилган эди. Бу пайтда мен бу кўргуликка эътибор қилишга қодир эмас эдим. Менга икки ойлик маошни тўламаслик мақсадида радио мени стрингерликка ўтказганини кейин аниқладим.

2005 йилнинг декабрида мени стрингерликдан ҳам озод қилишди. Бу пайтда «Озодлик» радиосининг Тошкент бюроси расман ёпилган эди. Ҳамма ходимларга компенсация тўланган. Афсуски, мен бундан ҳам маҳрум эдим.

Москвадаги Бурденко номли нейрохирургия илмий текшириш институтининг юқори малакали мутахассислари менга "юз темпонал қисми нервларининг невриномаси" деб ташхис қўйишди. Бу — узоқ асабийлик ва қулоқдаги босим туфайли орттирилган касб касаллиги ҳисобланишини маълум қилишди.

Ҳар қандай ОАВ хизмат фаолияти давомида орттирилган ногиронлиги учун ҳар жиҳатдан ўз ходимига ёрдам бериши ва пенсияга кузатиши лозим бўлган бир шароитда «Озодлик» радиоси раҳбарияти касаллигим билан қизиқиб ҳам кўрмади. Ҳозирги пайтда ногиронман ва меҳнат қобилиятимни йўқотганман. Доимий бош оғриғидан азоб чекаман. Боз устига эшитиш қобилиятим ёмонлашиб бормоқда. Хотиним ишсиз, қарамоғимда бири 8, иккинчиси 6 ёшли икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Айни пайтда уларни боқа олмайман.

Мен, қарийб 10 йил «Озодлик» радиоси миссиясида виждонан меҳнат қилдим, бир марта ҳам меҳнат таътилига чиқмадим. Кунига 12-14 соатдан ишладим. Яна мени чув туширишгани – 2001 йилгача стрингер сифатида расмийлаштирганлар, аслида мухбир сифатида фойдаланганлар (мен 2000 йилда ТИВда расман рўйхатдан ўтган эдим). Бу ҳолат меҳнат қонунларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Стрингерлик даври меҳнат стажига кирмайди, эндиликда мен пенсияга чиқишда маълум муаммоларга дуч келаман.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, маълум қиламанки, менинг касаллигим сурункали руҳий қийноқлар туфайли пайдо бўлган, айни пайтда мен меҳнатга яроқсизман. Беморлик пайтим «Озодлик» радиоси раҳбарияти менга етказилган маънавий ва моддий зарарни тўламай, ғайриқонуний ишдан бўшатган. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, сизларнинг гувоҳлигингизда Европа судига «Озодлик» радиоси томонидан етказилган маънавий ва моддий зарар сифатида 500 минг АҚШ доллари товон тўлаш ҳақида мурожаат қиламан. Агар радиостанция раҳбарияти мени даволаган врачларнинг ташхисига ишонмасалар, мен касб ногиронлиги фактини тасдиқлаш учун улар томонидан таклиф этилган комиссия ҳузурида текширувдан ўтишга розиман.

Менинг бутун умидларим Европа судига боғлиқ. Агар суд менинг ишимни кўриб чиқишни рад этса, мен Европанинг энг намунали демократик давлатларига бўлган ишончимни ҳам йўқотаман.

Р.Р. ҚЎЛДОШЕВ , «Озодлик» радиоси Тошкент бюросининг собиқ директори

Манба:www.press-uz.info

Чорраҳа

“МЕН ЖАҲАННАМ ОҒЗИДАН ҚАЙТДИМ”

ёхуд ота ўгитини унутган фарзанд қисмати

(Давоми, бошланиши ўтган сонда)

Даҳшатлиси шундаки, бундай жирканч даврага тушганингиздан кейин сизнинг охирги тийинингизгача олиш учун минг бир ҳунарларни ишга солишади. Менинг ўзим ҳам ана шу “ўйинлар”дан бири — қиморбозлик туфайли аввалига “Дамас”ни, кейинроқ икки “Камаз”дан бирини бой беришга мажбур бўлдим. Айтсам ишонмассиз, ахир мен умримда қарта нималигини билмаганман. Бироқ оғу таъсирида нималар қилаётганинг, кимнинг ноғорасига ўйнаётганингни сезмаганингдан кейин карта ўйинни билдинг нима-ю билмадинг нима, сен учун фарқи бўлмас экан.

Кетма-кет икки машина қўлдан кетиб, оиламда ҳақиқий тўс-тўполон, парокандалик бошлангач, энди ўзим ҳам ваҳимага туша бошладим. Гарчанд аллақачон кўп нарсани бой берганимни англаб турсам-да, бироқ, ҳали ҳам қонимда ота-бобомдан қолган ор-номус, йигитлик ғуруримни бус-бутунича йўқотмагандим. Шунинг учун қандай қилиб бўлса-да, бу жирканч доирадан чиқиб, аввалгидек бахтиёр бўлиш чораларини қидира бошладим. Аммо қани энди ўша илинж, чора топишнинг иложи бўлса. Балки тамоман ўзлигимдан кечиб, бу дунёдан ит азобида ўтгунимча ўша чорани тополмасмидим. Агар... ўғлим бўлмаганида. Кунлардан бир кун унинг изтироби, алам ва нафрат тўла кўзларидан оқаётган ёшлари менинг қалбимни куйдириб, аллақачон томирларимда совиб бораётган оталик қонимни жўштирмаганида, юрагимга бегона бўлаётган оталик ор-номуси, виждонимни уйғотмаганида...

“Энди ўқишга бормайман, — деди бир куни мактабдан эрта қайтган катта ўғлим дув-дув йиғлаганича. — Сен наркаманнинг ўғлисан, биз билан бирга ўтириб-туриш, ўртоқчилик қилишга арзимайсан, дея устимдан кулишяпти. Ҳатто бир партада ўтиришни ҳам исташмайди. Сиздек отам борлигидан орим келади. Агар онамни, укаларимни ўйламаганимда бу уйдан аллақачон чиқиб кетардим...”

Ўша куни биринчи марта зиёфатга бормадим. Эрталабгача ўз ёғимга қоврилиб чиқдим. Ўғлим ҳам мендан, ўз отасидан воз кечмоқчи. Мен нима қилдим, нима қилаяпман, болаларимда нима айб. Ахир шуларни деб, уларнинг келажаги деб ўзимни ўтга-чўққа уриб, шунча нарсага эришмадимми? Наҳотки уларга ўзимдан бир умрлик тавқи-лаънат қолдирсам?!

Саҳарда “Нексия”ни Денов бозорига солдим. Бундан хабар топган ака-укалар одатдагидек жанжал кўтаришди. Машинанинг пулини акамга топширдим-да, мақсадимни фақат унинг ўзига айтиб, эртаси куни ўзим кўзлаганим — Шерободдаги Ш. исмли табибни қидириб йўлга тушдим. Гарчанд болаликдаги дўстларим аввал ҳам бу ҳақда бир неча марта маслаҳат солган бўлсалар-да, мен ўшанда бу таклифларга эътибор қиладиган аҳволда эмасдим. Бироқ, ўғлимнинг кечаги изтироблари, алам ва нафратга тўла кўзлари... Йўлда ўша ҳолат кўз ўнгимдан ўтар экан, “Мен бунга эришмоғим керак, бунга иродам етади”, дея ўзимни ишонтиришга ҳаракат қилиб борардим.

— Орқага қайтиш учун ҳали ҳам илинж бор, — деди аҳволимни обдон ўрганган табиб. — Тўрт-беш ойдан кейин ҳақиқатан ҳам кеч бўлиши мумкин эди. Аммо сизни мен эмас, балки ўзингиз даволайсиз. Демоқчиманки, бу йўлдан қайтиш учун, биринчи навбатда, сиздан жуда кучли ирода, ўзингизга нисбатан қатъий ишонч талаб қилинади. Агар сизни бу дарддан фориғ қилишда иккимизнинг имкониятларимизни бирлаштирадиган бўлсак, унинг саксон фоизи сизнинг, қолган қисми менинг ҳиссамга тўғри келади. Яъни саксон фоизлик асосий имконият — бу сизнинг иродангиз, ўзингизни қўлга ола билишингиздир.

Шундай қилиб менинг, нафақат менинг, балки бутун оиламнинг тақдири ҳам бўладиган кунлар бошланди. Дастлаб, бир ҳафта давомида табибнинг уйида, унинг назоратида турдим. Очиғи, бу кунлар мен учун дўзах, жаҳаннам азоби бўлди, десам ишонаверинг. Нафақат кунлар, ҳар бир сонияларни санаб ўтказардим. Бир неча марта буларнинг баридан воз кечиб, қочиб кетишни ҳам режалаштирдим. Аммо ҳар гал титраб турган ўғлим кўз ўнгимда гавдаланиб, бутун танамдаги даҳшатли оғриқ, вужудимга санчилаётган минглаб кўринмас ништар азобига чидашга мажбур бўлар, бунинг учун эса ўзимда ирода топишга ҳаракат қилардим. Баъзан мен ўзимни жаҳаннамнинг шундоққина оғзида тургандек, биргина туртки, ишора билан унинг қаърига қулаб, жизғанак бўладигандек ҳис этардим.

Табибнинг айтишича, мен биринчи, энг асосий синовдан муваффақиятли ўтгандим. Иккинчи синов — уч кунлик муҳлатни уйда ўтказдим. Ҳар ҳолда мен бу балони енгиш учун ўзимда қанчалик куч топаётган бўлмай, барибир табиб берган шифобахш гиёҳлар, муолажа ўз таъсирини кўрсатаётганди. Ака-укаларим назоратида уч кунлик “уй қамоғи”дан сўнг яна табиб ҳузурига бордим. Унинг уйида ўтказилган яна бир ҳафталик муолажа натижасида мен энди анча тетиклашиб, руҳиятим, асабларим ҳам бир қадар тинчланганди. Табибнинг айтишича мени олдинда яна уч ойлик имтиҳот кутарди. Бу вақтда мен аввалги даврадошларимни умуман қумсамаслигим, ҳатто ўртоқлар даврасида ҳам ўтирмаслигим, иложи борича уйда, фарзандлар қуршовида вақт ўтказишим, ўзимни чалғитишим учун томорқада ишлаш, кўпроқ ўқиш билан банд бўлишим керак эди. Мендан аҳвол сўрашга келган таниш-билишларга менинг олдимда сигарет чекиш, ичиш ҳам таъқиқланганди. Бирда ўғлимнинг синф раҳбари ҳам хабарлашди. Очиғи, нега шу пайтгача зиёли одамлар гурунгидан баҳраманд бўлмаганимга афсусландим. Маънавиятдан бир қадар узоқлашиб, маърифатли инсонлар даврасидан баҳра олмаганим гиёҳвандлик балосига мубтало бўлишга сабаб бўлмадимикан, деб ўйлайман. Қаранг, синф раҳбари ўшанда ўғлимни хафа қилган синфдошларининг хатти-ҳаракатлари учун мендан узр сўраб турсая. Йўқ, болалар эмас, ҳаммасига мен айбдорман, ахир мен шу куйга тушмаганимда ўғлимни яккалаб қўйишармиди, дея ҳайқиргим келди. Кейинчалик, ҳатто ота-оналар йиғилишида ўзим бориб иштирок этдим (бунгача доим онаси иштирок этарди). Ўшанда ўғлимнинг аҳволини кўрсангиз эди. Унинг юз-кўзларидан гўё ўртоқларига қараб: “мана, кўриб қўйинглар, у киши менинг дадам, асло гиёҳванд эмас, дадам мени яхши кўрадилар!” дея айтмоқчи бўлаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Орадан олти ой ўтиб ишга чиқдим. Мен яна болаликдаги дўстларим, менинг энг оғир дамларимда ҳам ёлғизлатиб қўймай мадад берган дўстларим даврасига қайтдим. Ўшанда қиморга ютқазилган “Дамас” ўрнига ўртоғим учун яқинда бошқасини олиб бердим. Икки ўғлим, қизим вояга етяпти. Улар учун яхши ота бўлиш, кўнгилдаги орзуларга етишиш, асосийси, келажакда комил инсон бўлишлари учун интилиб яшаяпман. Нопок йўлдан қайтиб, яхшилар қаторига қўшилганим, пешона тери билан ризқ топаётганим туфайли яна оиламга файз-барака инди. Ҳар гал сафардан қайтгач уларнинг соғиниб кутиб олишларини, фарзандлик меҳрини кўриб тўлқинланиб кетаман. Шуларни деб яшаётганим, шулар туфайли борлигимга шукроналик қиламан. Ахир, бир инсон учун шунинг ўзи бахт эмасми?”

***

... Бахтиёр суҳбатни тугатганида тонг бўзариб қолган, саҳархез тижоратчилар аллақачон “Пайшанба” бозорида ғала-ғовурни бошлаб юборишганди. Ҳамсуҳбатим “КАМАЗ”ни ўт олдирди. “Тошкентга кетяпман, чиқинг, Бойсунга ташлаб ўтаман”, дея кабина эшигини очди.

Манзилимга етиб, хайрлашар эканман, ҳануз унинг ҳикояси таъсиридан чиқмагандим. Гиёҳвандлик йўлига кириб, ёш умрини хазон қилган ўнлаб навқирон йигитлар қисматидан хабардорман. Уларнинг деярли барчаси бир қатра оғу йўлида ўзларини қурбон қилганлар. Бахтиёр ҳам шуларнинг бири бўлиши мумкин эди. Аммо йигитлик ор-номуси, иродаси бунга йўл қўймади. Дўстлари ёлғизлатмади. Асосийси, вақтида ўзлигига қайтди, ўзини англади. Унинг тақдири ҳаёт инсон учун Аллоҳ томонидан берилган синов, унинг ҳар бир сониясини қадрлаш, яхшиликка йўғириш бу ёруғ оламдаги олий хилқат саналмиш биз ИНСОНларнинг бурчимиз эканлигини яна бир карра бизга эслатиб турадигандек.

Даврон ОРИПОВ

Таклиф

ТАНҚИД КЎПАЙСА

Одатда ҳар бир киши газетанинг янги сонини варақларкан ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топишга, қизиқарли мавзуларда мақолалар, лавҳалар, репортажлар, очерклар ўқишга ошиқади. Мен 1996 йилдан буён “Hurruyat” газетасининг ҳар галги сонини диққат билан ўқиб бораман. Газетанинг ўқишли бўлиши учун унинг саҳифаларида сермазмун материаллар янада кўпайса, янги-янги мавзулар очилса, нур устига аъло нур бўлурди.

Айниқса, ахлоқ, ёшлар тарбияси, севги, никоҳ ва оила мавзуларида мулоҳазали ва дадил ёзилган мақолалар ўқишни истайман. Севимли газетам бўлмиш “Hurruyat”да эълон қилинган мақолаларда келтирилган камчиликларни тузатиш борасида ҳам изчиллик кўрсатиш керак. Дарҳақиқат, матбуот танқиди самарасиз қолмаслиги ва ўша танқидий чиқишлар юзасидан таҳририят назорати ўрнатиши шарт деб ўйлайман. Қолаверса, халқ мулкини талон-торож қилаётган кимсаларнинг қиёфаси газетада фельетон ёки бўлмаса танқидий мақола орқали очиқ-ойдин кўринавергани яхши.

Шунингдек, эндиликда “Дилдан суҳбат” рукни очилиб, унда газетхонларнинг хатларидан намуналар, жонли мулоқотлар, эълон қилиниб борилса дейман. Бу рукн остида турли ёшдаги ва касбдаги кишиларнинг республикамизда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабати, журналист, публицист, юрист, ёзувчи ва шоирлар, эстрада-кино юлдузлари, меҳнат илғорлари, етук зиёлилар, хуллас, халқ севган одамлар билан ўтказилган қизиқарли суҳбатлар ҳам жой олса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Луқма

БИЛМАМ... АДАШДИММИ?..

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси билан йигирма йиллик қадрдонман. Газетадаги таҳлилий ва танқидий мақолаларни ўқиб маза қилмаган ўзбек зиёлиси топилмаса керак. Ёзувчи-ю шоирлар, адабиётшунос олимлар-у танқидчиларнинг у ёки бу мавзудаги баҳсларидан баҳра олиб келамиз. Бугун ҳам газетанинг ҳар бир сонидаги мақола-ю чиқишларни бирма-бир ўқиб чиқиш - одатимиз.

Хуллас, газетанинг 7 апрелдаги сонида ҳазрат Амир Темурга бағишланган бир мақолани ўқиб чиқдик. Муаллиф ҳурматли Сайфиддин ҳожи Жалилов эканлар. Мақола “Соҳибқирон ўтган йўллар” деб номланади. Камина аввалдан айтмоқчиман, темуршунос ёки тарихчи эмасман. Аммо ҳурматли муаллифнинг андак хатолари борасида мулоҳаза туғилгандек бўлди. Балки биз адашгандирмиз, аммо ҳарҳолда ҳазрат Соҳибқирон шахсларини ўрганган тарихчилар ва ҳазратнинг биографларида муаллиф айтмоқчи саналар андак янглишми, дейман. Хусусан, **“Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳижрий *776 йил (мелодий 1375, январ)* ойида Мўғулистон томон юриши ва ғалабаси... диққатга сазовордир. Ўша йили қиш қаттиқ келди... Амир Темур набираси *(Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли) 18 ёшли Жаҳонгир Баҳодирни* ёнига олиб, Мўғулистон томон юриш бошлади”** дейилади. Маълумки, ҳазратнинг ўғиллари Шоҳруҳ Мирзо 1377 йилда таваллуд кўрганлар (!). Бунинг устига Соҳибқироннинг Жаҳонгир Баҳодир (?) деган набиралари борлигига шубҳам бор.

Худди шунингдек, **“Соҳибқирон “Пойтоғ” (“Бойтоғ”) мавзеида 53 кун тариб, *1376 йил* қишини шу ерда ўтказади. *Шаҳзода Жаҳонгир мирзо* қўлга тушган Қамариддин одамларини келтириб бобосига топширади”** (?) Яна бир жойда баҳсталаб ғалати бир жумла. **“Соҳибқироннинг ҳазрати олиялари Кутлуғ Туркан оғо барча хизматкору беклари билан Самарқанддан Фарғона водийси ерларидан ўтиб, Ўзганга келишган эди”**.

Эндиги гап қанчалик оғир бўлмасин айтишга мажбурмиз. Китоб варақлаганда киши фикрларига аниқлик киритиш, янглиш гап айтиб қўйишдан қочишни ўйлайди. Айниқса, тарихий шахслар ва улар шахсига боғлиқ саналар аниқ бўлмоғи шарт. Иккинчидан, тарихий шахс авлодлари, қариндош-уруғлари борасида янглишиш, узр-ку, саводсизликка ўхшаб қолмаяптими? Муаллиф йилларда янглишгани етмагандек, Соҳибқироннинг опаларини уларнинг завжалари (хотин)га менгзагани қизиқ. Қаранг: **“Зиёрат тантанаси ҳам шоҳона ўтган: Соҳибқирон, *завжалари Қутлуғ Туркан оғо*, набиралари амирзода Жаҳонгир ва амирлару беклар тўғри Бурҳониддин Қилич мозорига борадилар”** (?). Муҳтарам муаллиф фикрларини ё мен тушунмадим, ё?!. Нуфузи баланд газетамизнинг заҳматкаш ходимлари бу каби хатоликлардан узоқ ҳамда муаллифларимизнинг жиндек эътиборлироқ бўлишларини истаб қолувчи,

Алижон ЭШБОЙ

Ҳажвия

ҚУЛОҚСИЗ ДЕВОР

Тракторчи Мўминтой айтган ўша гап охири содир бўлди.

— Қўзи тоғанинг товуқлари жонга тегди, — деди хотини тракторнинг тагига ётиб олган эрига зарда билан. — Шу гўрсўхталарингизни катагига қамаб қўйинг деб минг марта айтган бўлсам керак шу қўшнингизга!

Мўминтойнинг афти буришди.

— Томорқанинг тит-питини чиқариб ташлабди яна!... Энди мен гапирмайман. Керак бўлса ўзингиз гапиринг!..

Мўминтой хотинига мўлтайиб қараб турса-да, ичида бир шумлик биқирлаб қайнарди.

— Кўп дийдиё қилма, хотин, — деди босиқлик билан. — Исқирт товуқни деб қўшнилар билан юз кўрмас бўлиб кетишинг ҳеч гап эмас. Сен ҳозир ишингни қиловур, эрталаб гаплашамиз...

— Гулчеҳра! — деди Мўминтой эртаси куни эрталаб ҳовли супураётган хотинига овозини бир парда кўтариб. — Тилла узугинг қани?

Ичи ачишиб турган эканми:

— Узугим билан нима ишингиз бор? — деди эрининг овозига ҳамоҳанг қилиб.

— Менга бақирма! Мен тўғрисини сўраяпман, узугинг қани?

—Кеча кир юваман деб, бармоғимдан ечиб ўчоқ бошида қўйган эдим...

— Қўйган бўлсанг, жойидами ишқилиб?

Хотин дудуқланиб, овози хириллаб чиқди.

— Ўчоқ бошида қўшнининг товуқлари ивирсиб юрувди, узугимни ютиб юборганми нима, жойида йўқ!

Мўминтой тажангланди.

— Кўнглимдан ўтган иш албатта бўлади-да! Узукнинг қимматини биласанми ўзи?.. Энди менга узук дема, додингни кимга айтсанг айт!

— Қўзи тоғага айтсак, товуғининг ичидан олиб берар.

— Қўзи тоғанинг битта товуғи бўлсаки, сўйиб олиб берса! Улар кўп, қайси бири ютганини биласанми?

— Қандай, ҳаммаси бирбирига ўхшайди...

Мўминтой хотинига раҳми келиб:

— Ич-этингни еяверма! — деди. — Қўзи тоғага илтимос қилиб кўраман. Инсоф қилса ҳай-ҳай, бўлмаса пешонангдан кўрасан...

Эру хотиннинг айтишуви қўшнининг ҳовлисига акссадо бергандай бўлди. Қўзи тоға ўн чоғли товуғини тезда катакка қамаб, хотинини ошхонага судради.

— Ҳожар тилла узук қанча туради?

Ҳожар хола ҳапрқиб кетди.

— Тилла узук олиб бермоқчимисиз?

Қўзи тоға жеркиб берди.

— Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан-а! Сендан узукнинг баҳосини сўраяпман.

— Бақирманг! — Ҳожар холанинг лаби чўччайди. — Эллик-олтмиш минг турса керак! Тилло билан қачон ишим бўлибди?

— Товуқ-чи, товуқ қанча туради?

— Сизга нима бўлди? Ҳали узук, ҳали товуқ дейсиз?

— Сен саволимга жавоб бер, қолгани билан ишинг бўлмасин!

— Қайдам, — деди Ҳожар хола тундлашиб, — бордир икки-уч минг. Катта-кичигига қараб-да.

Қўзи тоға апил-тапил бармоғида бир нималарни ҳисоблаб чиққач:

— Товуқларни сўямиз, — деди. Қўшниларнинг чакагидан ҳам бир йўла қутиласан.

— Қўшниларнинг гапини писанд қилмасдингиз-ку! Қалай энди, бирдан...

Қўзи тоға барибир айтганини қилди. Товуқларни сўйиб, жиғилдонини бирбир титиб кўрди, лекин қидирган нарсаси чиқмади. Охирги товуқнинг жиғилдони ҳам бўш чиққач, тоғанинг кўзлари қинидан чиқаёзди. Лекин хотинига сир бой бермай, секин қўшнининг ҳовлисига ўтди. Мўминтой бугун ҳам тракторнинг тагида думалаб ётарди.

— Ҳалиям тузалмадими? — Қўзи тоға чўнқайиб ўтириб олди.

— Эскининг иши шу-да, тоға, — деди Мўминтой ётган жойидан чалқанча қараб. — Янгисини олишга хўжаликда пул қаерда дейсиз.

Қўзи тоға гапни бироз чўзди.

— Ҳа, энди амаллайсанда. Ҳозир запчас-папчаси ҳам қимматдир, а?

— Қимматлигига яраша ўша запчас топилса эди...

— Топилмайдиямми ҳали?.. О, запчас топилмасаям, келинни узуги топилдими?

Мўминтой пинагини ҳам бузмай:

— Топилди, — деди ишига андармон бўлиб. — Аёлларни биласиз-ку, бир нарсани бир жойга қўйса, кейин ўзи ҳам тополмайди. Шкафнинг устига қўйган узукни ўчоқ бошидан қидириб юрибди, денг. Мен “садқаи сар” дегандим, йўқ, ҳалол экан, ҳар тугул топилди. Сиз қаердан эшитдингиз?

Қўзи тоға қулоғигача қизариб кетди.

— Ҳожар холанг шунақа деётган эди.

— Хотинга “ҳар нарсани гапираверма, деворнинг ҳам қулоғи бор”, дегандим, барибир айтганидан қолмабди-да. Ҳали бутун қишлоқ кўнгил сўраб келар.

— Бизнинг деворнинг қулоғи сал чатоқроқ чиқди, — деди Қўзи тоға бошини сарак-сарак қилиб, — гапни нотўғри эшитади. Кеча денг...

Уст-бошига товуқ патлари илашган Абди ака кириб келганда, Қўзи тоғанинг гапи оғзида қолди. У Қўзи тоғанинг борлигига ҳам эътибор бермай, энгашганча Мўминтойдан:

— Келиннинг узуги топилмадими? — деб сўраган эди, Қўзи тоға:

— Топилган бўлса, суюнчи бермоқчи эдингизми? — деди ва кулиб юбормаслик учун тилини тишлади.

— Сизнинг ҳам деворингиз қулоқсиз эканда, а?

Бўлмади, ўзининг гапига ўзи кулиб юборган эди, унга аввал Мўминтой, сўнг Адби ака қўшиларкан, дарахт шохида қўнган қушлар “пар” этиб учиб кетишди.

Илҳом ЗОЙИР

Учрашув

БОТ-БОТ БЎЛИБ ТУРСА..

Кейинги вақтларда хоҳ матбуотда бўлсин, хоҳ оддий давраларда “Бугунги ёшлар китоб ўқимай қўйди” деган гаплар кўпроқ эшитилаяпти. Лекин бу борада бирор бир амалий иш қилинаётгани деярли кўзга ташланмайди. “Ёзувчи билан учрашув” сўзлари қарийб унутилаёзди. Ўрнига ўрин “Хонанда билан учрашув” деган иборалар кенг истеъмолга кириб улгурди. Мабодо, ҳамма куй-қўшиққа ружу қўйиб, ҳеч ким китоб ўқимаса, бундай жамиятнинг маънавий қиёфаси қай кўринишда бўларкин?!

Ёшларни китоб билан ошно қилиш учун ёзувчиларимиз билан учрашувлар ўтказиб турилса яхши натижаларга эришиш мумкин. Шу ўринда Тошкент иқтисодиёт коллежида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан учрашувни қутламоқ даркор.

Учрашув коллеж ўқувчиларининг бадиий чиқишлари билан бошланди. Халқ ардоғидаги ёзувчи ўқувчиларга китобхонлик ва унинг фойдалари, ўз асарларининг туғилиши жараёнлари ҳақида сўзлаб берди.

Қизиқувчан ёшлар Ўткир Ҳошимовни саволлар билан кўмиб ташлашди.

— Учрашувдан кўриниб турибдики, ҳали ёшларимиз орасида китоб ўқийдиганлари талайгина. Уларнинг китобга бўлган қизиқишларини янада ошириш галдаги вазифалардан асосийси. Бошқа ёзувчиларимиз билан ҳам учрашув ташкил қилиш ниятимиз бор, — дейди коллеж директори Ҳаёт Муҳитдинов.

Зебо АБДУҚОДИРОВА

Кўргазма

ЯНГИ ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ

Ўтган ҳафта “Ўзэкспомарказ”да халқаро “Соғлиқни сақлаш ва фармация — 2006” кўргазмаси бўлиб ўтди.

Уни республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир нечта йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорликда ташкил этдилар. Юртимизда “Соғлиқни сақлаш — TIHE” кўргазмаси ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери фаолият кўрсатмоқда. У дунёда яратилаётган энг сўнгги тиббий технологиялар, дори-дармонлар ва бошқа янгиликларни жорий қилишда байроқдор бўлмоқда.

Тошкентда ташкил қилинган кўргазмада Россия, Германия, Хитой, Украина, Ҳиндистон ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тиббиёт ускуналари ва дори-дармонлар намойиш қилинди. Жумладан, кўргазмадан “Eld-Tib-Mahsulot” фирмасининг қулай ва замонавий таномет-рлари, “TPUBEK” бандажлари, Россия-Германия ҳамкорлигидаги “Нижифарм” болалар дорилари, шунингдек, Украинада ишлаб чиқарилган турли УЗИ ускуналари жой олганди.

Тўрт кун давом этган тадбир натижасида янги маҳсулотлар тарғиботи, улардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириш борасида самарали келишувларга эришилди.

Нодира ДИНИҚУЛОВА

Мулоҳаза

АЁЛЛАРГА ЯРАШМАЙДИ

Куз оқшомларининг бирида қандайдир бир юмуш билан ташқаридаги ошхонамизга чиқдим. Шу пайт не кўз билан қарайки, ошхонамиз эшиги очилиб ёпилди. Тўғриси, қўрқдим. Ошхона эшиги олдида бош яланг, сочлари тўзғиб кетган кичик жуссали алвастисифат бир аёл дир-дир қалтираб турарди.

— Кимсиз, сизга ким керак? — дедим.

— Тш-ш-ш, — деди у кўрсаткич бармоғини бир амаллаб лабига босиб ва меҳмонхонамиз эшигини очишга ҳаракат қиларди, лекин уддасидан чиқолмасди.

Қўрқанимдан гангиб қолган эдим. Тилим калимага келмасди. Нотаниш аёлга бақириб гапирган бўлсам керак-да, уйимиздан отилиб чиққан хотиним, болаларим жонимга аро киришди.

Даставвал мен бу девонасифат аёлни ақлдан озган бўлса керак, деб ўйловдим. Лекин, у гапира бошлагач оғзидан қуланса ароқ ҳиди буркшиб турганини, унинг мастлигини ва яқинига йўлаб бўлмасликни англадим. Маст аёлни бир амаллаб ҳовлимиздан чиқариб юбордик.

Ўшанда менда аёлларга нисбатан (ана шунақа ичувчи) нафрат уйғонди. Авваллари бундай маст-аласт бўлиб юрувчи аёллар ҳақида эшитгандиму, аммо уларни сира учратмагандим. Мана, бу ҳолатни ўз кўзим билан кўрдиму, ҳайратдан ёқа ушладим.

Наҳотки, аёл зоти шунчалик тубан кетса? Ахир, шоирларимиз уларни эъзозлаб мадҳ этадилар, табиат кўрки, борлиқ қувончи деб таърифлайдилар. Санъаткорларимиз эса аёлларимизни гулга қиёслаб чин қалбдан куйлайдилар. Қолаверса, ҳаммамиз уларнинг (оналарнинг) ҳоки пойига таъзим қиламиз-ку.

Шу ўринда бир савол мени ўйлантиради. Наҳотки аёлларимиз мамлакатимизда эркаклар билан тенг ҳуқуқлиликларини суиисътемол қилишаётган бўлишса? Тўғри, ҳуқуқлар тенг, лекин улар жамоат ишларию жасорат майдонлари, ташкилоту корхоналарда... Лекин турмушда, оилада улар она эканликларини улардан гўзаллик, ибо, иффат, номус, назокат, латофат талаб этилишини унутмасликлари лозим.

Баъзан базми-жамшидлар, тўй-ҳашамларда шундай аёлларни учратамизки, улар “тенг ҳуқуқлимиз” деб, эрлари ёнки бегона эркаклар билан баб-баробар ароқ ичишади. Гоҳида ўзларини бошқариша олмай бе-адабликка, ҳаёсизликка йўл қўйишади. Атрофидагиларнинг уларга нисбатан нафратлари қўзиб, “ҳайф сенга аёллик, оналик” дейишади.

Сизу бизнинг аёлларимиз — онамиз, опа-синглимиз ёки қариндош-уруғларимиздан бири юқорида, таъкидланган аёл каби маст бўлиб довдираб юрса-я? Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

Ҳа, мўътабар аёллар. Ичкилик сизларга сира ярашмайди. У сиздек оналар учун кони зиён. Ундан ўзингизни йироқ тутинг, аёл номингизни, мўътабарлигингизни, ҳусну-латофатингизни асранг.

Аннамурод ОҒА

Ўзингни англаб ет! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 655
Т: 3241
1 2 3 4 5

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.